


R 496
1970/5



ГУЛИСТОН
5(41)1970



1945 йил, май. Рейхстаг устида Ғалаба байроғи.

**ГИТЛЕРЧИЛАР ГЕРМАНИЯСИ УСТИДАН СОВЕТ ХАЛҚИ
КОЗОНГАН БҮЮК ҒАЛАБАНИНГ 25 ЙИППИГИ**

ТОШЛАР

ТИЛГА R 496

КИРДИ

Волга дарёси ёнида машхур тепалик бор. Совинформбюро ахборотларида уни оддийгина «102-тепалик» деб аташарди. Роппа-роса олти ярим ой давом этган Сталинград жангининг 135 кунни ана шу тепалик учун бўлган эди. Фашистларнинг қутуриб олишувига қарамай, совет аскарлари, бутун Сталинград ҳимоятчилари 102-тепалик — Мамай қўргонини душман чапгадан тортиб олдилар. Бу — Сталинград жангида тубдан ўзгариш йсади...

Шаҳидларнинг муборак қони томган бу тепа ҳозир қутлуғ зиёратгоҳ. Мамай қўргони Ватан озодлиги учун қурбон бўлганларнинг жасоратини мангу улуглайдиган муҳташам ёдгорликлар билан ўралган. Бу ёдгорликларнинг ҳар бири сайёҳларда муҳаббат ва нафрат, жасорат ва фахр туйғусини қўзғайди.

Мана, «Сўнгги нафасгача» майдони... Гўё ер наъридан ўсиб чиққандай, кўкси билан ёв йўлини тўсиб турган ботир жангчи сиймоси... Ундан нарида «Қайғу майдони» — ҳалок бўлган жигарбандининг боши узра энгашган ғамнок, муштипар она ҳайкали...

Айниқса «Она-Ватан» деб аталган ноёб ҳайкал томошабинларни ўзига миҳлаб қўяди. Унинг баландлиги 52 метр. Мамай қўргонининг иқоқ тепасига ўрнатилган бу обида шаҳарнинг ҳамма чеккасидан кўришиб туради.

Машхур архитектор Е. Вучетич раҳбарлигида тикланган бу санъат дурдоналари минг-минглаб сайёҳларни ҳайратга солмоқда. Мана, таассурот дафтаридаги ёзувлардан бир неча мисол:

«Раҳмат сизга, тилга кирган тошлар!

Т. ПОЗДНЯКОВ».

«Эрканлар бу ерда кўз ёш қилсалар айб эмас, деб уйлайман.

В. КОНДРАШОВ».

«Улмас одамларга ўлмас обида бу! Чехословакиялик сайёҳлар».

«Бу ердаги ҳар бир сантиметр ерни, ҳар бир сўймоқни упуғинг келади.

В. ЧЕРНИЙ».



Волгоград. Мамай қўргониди Она-Ватан тимсоли. Ҳайкалтарош Е. ВУЧЕТИЧ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



№ 5 (41) • 1970

М а й

Ўзбекистон

Компартияси


Марказий

Комитетининг

журнали

1925 йилдан
чиқа
бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти.



ФАРҒОНА ТОНГ ОТГАЧ...

Ф. ШАМСИДИНОВ,
Ўзбекистон КП Фарғона область
комитетининг биринчи секретари



Машҳур табиатшунос олим ва саёҳатчи А. Ф. Миддендорф 1828 йилда Ўлкамизда бўлганида Фарғонани Жанубий Италияга қиёслаган эди. Дарҳақиқат Фарғонамизнинг шифобахш иқлими, серунум tupроғи, шарқироқ сувлари, умуман, табиатнинг таърифи узоқ-узоқларга етган. Бироқ меҳнат аҳли ўз юртининг беҳисоб бойликларидан фаяда Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина тўла баҳраманд бўла бошлади.

1918 йилнинг бошларида Фарғона водийси Урта Осиёда инқилобий кураш ўчоғига айланган эди. Чунки бу ерда буржуа миллатчилари Россия ва чет эл капиталистлари ёрдамида қабих режаларини амалга оширишга киришдилар. Бу шиддатли кунлар ҳеч қачон халқимиз хотирдан кўтарилмайдиган. Қўқонда миллий автономия деб аталмиш ўта реакция ҳукумат тузилди. Уша оғир, фожиа кунларда Қўқонга Ефим Андрианович Бабушкин етиб келди.

У В. И. Ленин билан 1914 йилда Парижда учрашган, кейинчалик шахсан Ильичнинг топшириғига мувофиқ Россияга юборилган ажойиб большевик эди. Е. А. Бабушкин содиқ ленинчига хос шиддат ва қатъият билан Қўқондаги большевик Советга ҳам, большевик партия ташкилотига ҳам раҳбарлик қилди.

Советлар Скобелевода (ҳозирги Фарғона), Марғилон атрофида, Бешбола ва Чекшўра қишлоқларида ҳам галаба қозонди. Бунда П. Крутиков, И. Охунбобоев, И. Шебланов, Алиқулов сингари фидокор ленинчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

В. И. Ленин ўз сафдошлари М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев бошчилигида Қизил Армиянинг жангларида чиниққан сара қисларини юборгани, оч қолган аҳолига галла келтирилгани, мактуб ва телеграммалар йўллаб, Туркистон, хусусан Фарғона меҳнаткашларининг аҳволи билан қизиққани ҳаммамизнинг ёдимизда. Фарғона коммунистлари ва барча меҳнаткашлари бу иш-

лари учун Ильичдан доимо миннатдор бўдилар. Халқимизнинг буюк дохийга меҳрмуҳаббати изҳор этилган айрим ҳужжатларни келтириш ўринлидир.

«ТКП ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДАН

Скобелево шаҳри. 1919 йил, 7 ноябрь.

ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЛЕНИНГА

Коммунист-большевикларнинг олдиди, аммо сизларнинг қалбларингизга яқин бўлган фарғоналик оиласи Улуғ Октябрь революцияси байрами билан чин юракдан қутловлар йўллайди.

Сиз билан бирга, жаҳон пролетариатининг жаҳон капитали устидан тезда галаба қилишининг шоҳиди бўлишни чин қалбдан истаймиз.

ФАРҒОНА ОБКОМИ».

«ТКП ҚУҶОН ШАҲАР ТАШКИЛОТИ-
НИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДАН
1922 йил, 9 сентябрь.
МОСКВА, КРЕМЛЬ, ЛЕНИНГА

Туркистон Коммунистик партияси Қўқон ташкилотининг умумий йиғилиши ўзининг қардон йўлбошчиси соғайиб қолганидан шодланиб, коммунистик саломини йўллайди.

ПРЕЗИДИУМ».

Совет ҳокимияти йиллари бутун мамлакат билан бир қағорда Фарғона области учун ҳам улғайиш, қийинчиликларни енгиш, барча соҳаларда улкан галабалар қозониш лаври бўлди.

Фарғона меҳнаткашлари улуг ва ижодкор совет халқларининг ягона оиласида яшаб, равнақ топаётганликларидан, ҳақиқий, тенг ҳуқуқликдан ўзларини беихоҳ бахтиёр ҳисоблайдилар.

Қардош халқлар, аввало рус халқининг биродрларча ёрдами туфайли областа биринчи беш йилликдаёқ индустриалаш кеңг кулоч ёйди. Қувасой ГРЭСи ва цемент заводи, Фарғона ТЭЦи, эндиликда улкан комбинатга айланган тўқимачилик фабрикаси, ёғ-мой заводи, Марғилондаги ипак фабрикалари, Қўқондаги янги санат корхоналари ўттинчи йиллардаёқ областимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган эди.

Ингирма учинчи йил ўз сафларида 1047 коммунистни бирлаштирган область партия ташкилоти ҳам кўп миллатли ташкилот эди. Жумладан, ўзбеклардан Абдурахмон Мадёров, Бузрукўжа Усмонхўжаев, Сайдинисо Шокирова, руслардан В. К. Томашевский, Ф. П. Лексаев, тожиклардан Уринбой Ашуров, татарлардан Исмоил Қодиралиев, Неймат Еникеев сингари эндиликда партия ветеранлари бўлиб қолган мўътабар кишилар ўз фаолиятини Фарғонада бошлаган эдилар.

Ҳозир санат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтиришда эришган ютуқларимиз билан ҳақиқи равнашда фахрланамиз.

Фарғонада яна бир янги санат тармоғи вужудга келди. Ушбу суратда сиз сунъий тола ишлаб чиқарадиган завод лабораториясини кўриб турибсиз.

В. ДМИТРИЕВ фотоси.

Партия XXIII съезди, Марказий Комитет Пленумларининг қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, хўжалик ва маданий қурилишда, халқнинг турмуш даражасини яхшилашда юбилей йили учун белгиланган марраларни албатта эгаллаيمиз. 1970 йилда областимизда кимё санати янада ривож топади. Сунъий тола заводининг биринчи навбати ишга туширилиши билан областимизда санатнинг янги тармоғи — кимёвий тола санати вужудга келди. Областимиз халқ хўжалиги бир ярим минг тур маҳсулот етказиб бермоқда. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мамлакатга 500 минг тонна оғ олтин, 50 минг тонна сабзавот, 6 минг тонна узум, 4 минг тонна ширин-шакар мева етказиб беришга аҳд қилиб ишламоқдалар.

Бундай санатни, қишлоқ хўжалигини, маданият ўчоқларини азамат фарғоналиклар ўз ҳалол меҳнатлари билан юзага келтирдилар. Улар билан ҳаммамиз фахрланамиз.

Ҳозирги Фарғона ҳақида гапирганда кумуш камаримиз — Катта Фарғона каналини, сунъий денгиз — Қарқидон сув омборини, кимё санатининг гиганти — азотли ўғитлар заводини, янги шаҳар — Қирғули посёлкасини, Евёвондаги коммунистик хўжалик — «Коммунизм» колхозини, Иттифоқимизнинг курут зонасига айланган Ҳамзаободни, қанчадан-қанча гўл шаҳар ва чароғон қишлоқларимизни тилга олмасдан ўтолмаймиз.

Уфқимиз бепоён. Оруларимиз катта. Қучқудратимиз битмас-туганмасдир. Мақсадимиз аниқ — коммунистик жамият қуриш.

Ўз жанговар сафларига минглаб чиниққан коммунистни жишлаттирган область партия ташкилоти эндиликда ҳар қандай вазифани муваффақиятли адо этишга қобил, нафқирон, интернационал ташкилотдир. Халқимизда «олтин ўтда, одам меҳнатда синалади» деган мақол бор. Ленин ордени областимиз меҳнаткашлари ўз авангарди — партия ташкилоти бошчилигида барча сновлардан шараф билан ўтди. Амниэмизки, юбилей йили — беш йилликнинг якуловчи йили топшириқлари ҳамда социалистик мажбуриятлар шараф билан бажарилади.

ФАРҒОНА ХРОНИКАСИ

● Ҳозирги Фарғона 1877 йилда Янги Марғилон номи билан қурилди. 1907 йилдан «Скобелево» деб аталадиган бўлди. 1919 йилнинг 15 январда шаҳарга Фарғона номи берилди.

● 1894 йилда Янги Марғилон шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмаси ўтказилган.

● РСДРПнинг Янги Марғилон группаси 1905—1907 йилларда Петербург, Томск, Бону, Ташкент, Самарқанддаги инқилобий ташкилотлар билан алоқада бўлган.

● 1905 йил сентябрда «Риштон» нефть кони ишчилари, 1906 йил январда «Чимё» нефть кони ишчилари чоризм ва маҳаллий бойларга қарши кўзғолон кўтарганлар.

● 1906 йил 3 январда «Фарғона» газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.

● 1917 йилнинг 1 июнидан бошлаб рус тилида «Знамя свободы» газетаси (Скобелевода) чиқа бошлади. Унинг биринчи бетига «Газета катъинан социалистик йўналишда чиқади» деб ёзилган эди.

● 1917 йилнинг октябрь ойида Қўқон шаҳрида «Эл Байроғи» деган ном билан ўзбек тилида большевикнинг газета чиқа бошлади. «Эл Байроғи»нинг уннинчи сони 1917 йилнинг 21 ноябрда чиқди. Ҳозир у Қўқондаги ўлкани ўрганиш музейида турибди.

● 1921 йил 10 сентябрда Фарғонада Роза Люксембург номидаги ипак йиғирув фабрикасини республикада биринчи бўлиб ишга туширилди.

● Қўқон ёғ заводи ишчилари 1925 йилнинг 13 февралда В. И. Лениннинг каттакон бостини ясаб, митинг пайтида уни М. И. Калининга топширишди.

● 1938 йил 15 январда Фарғона области ташкил топди.

● 1939 йил 1 августда Катта Фарғона канали қурила бошлади. Бу халқ ҳашарида 160 минг колхозчи, 3 минг инженер қатнашди. 260 километр узунлидаги канал 45 иш кунинда битказилиб, 16 миллион кубометр tupроқ иши бажарилиди.

● Канал қурилишида қатнашганлардан 44 киши Ленин ордени, 251 киши «Хурмат Белгиси» ордеҳи билан мунофотланган.


● 1958 йилнинг октябрда Қўқон шаҳрида ўзбек халқининг қаҳрамон фарзанди Абдулла Набиевга ҳайкал ўрнатилди.

● 1961 йил 7 февралда Қўқон шаҳрида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг адабиёт музейи очилди.

● 1962 йил, июнь. Охунбобоев районидagi «Коммунизм» колхозига коммунистик меҳнат коллективи номи берилди.

● 1967 йил 23 ноябрда Фарғона область «Коммуна» газетаси чиқа бошлаганига 50 йил тўлиши муносабати билан «Хурмат Белгиси» ордени билан мунофотланди.

● Ленин ордени Фарғона областада 52 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 15 Совет Иттифоқи Қаҳрамони бор.



КЎПРИК

Ленинграддаги Киров номли завод музейида бир гуруҳ ўзбекларнинг фотосурати эъозлаб қўйилган. Сурат остидаги ёзувлар ажаботвор: «Заводимизнинг Ўзбекистондаги илдишлари, коллективизмнинг қадрли аъзолари, ўзбек оғаниларимиз». Неча бор Ленин қадами етган, унинг нутқини оёқда туриб тинглаган, тўрт орденли машҳур корхона йилномасида ўзбекларнинг зикр этилиши бежиз эмас.

1931 йил. Ленинградлик қизил путиловчилар мамлакатга 39 минг трактор бериб, беш йиллик планни 41 йилда бажаргани тўғрисидаги хушхабар Советлар Иттифоқига таралганда Қувадаги «Октябрь» колхозининг аъзолари голиялари фарғонача одат билан қутламоқчи бўлишди. Ленинградлик тракторчиларга бир вагон анор совға тайёрлайдилар. Совғани элтиш учун вакиллар сайлайдилар. Поезд йўлга чиқади.

Ленинградда колхозчиларни қадрдон дўстлардек кутиб олишди. Трактор йиғув цехида митинг бўлади. Фарғонадан қизил путиловчилар номига ёзилган хат ўқилади.

Шу митингдан кейин меҳмонлар билан суратга тушинган эди. Мана ўша сурат қирқ йилдан бери сақланмоқда. Қуваликларга путиловчилар иккита тракторни совға қилиб вагонга ортиб беришганди ўшанда.

Йиллар ўтди. Путилов заводи ўн беш от кучига эга бўлган трактордан етти юз от кучига эга «К-700» тракторигача бўлган меҳнат ва излашни, қувонч ва ташвишни йўлни босиб ўтди. Собиқ Путилов заводи энди Киров номида. «Октябрь» колхозини ҳам атрофидаги бир неча хўжаликни оирлаштириб, кўп тармоқли йирик «Социализм» колхозига айланди...

Киров номли завод ишчилари 1966 йилга келиб бизга «К-700» маркали қудратли тракторларни совға қилиб юборишди. Бу «полво»лар хўжалигимизда жуда иш беряпти. Унда ер ҳайдаймиз, тупроқ сураимиз, ҳатто аравага қўшамиз. Унинг тенги йўқ дейиш мумкин — 60 тонна юк тортади. Бешта ҳайдов тракторининг плугини улаб ер ҳайдаймиз. Шу девсифат машиналарга қараб туриб, Киров номли завод маданият саройидаги гантанали учрашув оқшомини ўйлаб қоламан. Ўзбекистон ССРнинг қирқ йиллик тўйи арафасида Ленинградда колхозимиз вакиллари боришди, шулар орасида мен ҳам бор эдим. Колхозчиларимиз йўлаган хатни корхона ишчиларига ўқиб бергандим.



«Қадрли ленинградлик дўстлар, шонли кировчилар!»

...Заводнинг ишчилари қўли билан яратилган биринчи тракторлар даладаримизда биринчи пушта очганида қалбларимиз фахр ҳисси билан тўлиб-тошган эди. Уша тракторлар сиз билан бизнинг бузилмас дўстлигимиз кўпригидан ўтиб борган эди. Йиллар ўтди. Бизнинг дўстлигимиз тобора мустаҳкамланаверди. Бизнинг вакилларимиз сизларга, сизнинг вакилларингиз бизга азиз меҳмон бўлишди. Бизнинг дўстлигимиз ҳамisha барқарор бўлади!»

Биз дўстларимизга яна Қува апоридан олиб борган эдик. Анорларимиз завод касалхонасидаги беморларга, боғча болаларига улашилганда ҳамма ўзбекистонлик қадрдонларга раҳмат айтди.

Биз ленинградлик ишчилар билан, уларнинг болалари билан доим хатлашиб тураимиз. Тўй, байрам, шодёна кунларда бир-бирларимизни яхши сўз билан йўқлаймиз. Заводнинг бош инжениери Александр Дрожж айниқса тез-тез хат ёзиб туради. Хатлариди Ленинградга ўттиз биринчи йилда борган колхозчиларини суриштиради; уларга янги, қулай уйлар қуриб беришни тайинлайди; хўжалигимиздаги ишларни, айниқса «К-700» тракторини қандай ишлатаётганимизни сўрайди.

Бир неча йилдан бери тупна-тузук ишлаётган бир тракторимиз яқинда бузилиб қолди. Ленинградда махсус ўқиб келган тракторчиларимиз Исмоилжон билан Абдуқаҳҳор уриниб кўришди, бўлмади. Кейин Киров заводида телеграмма юбордик. Ленинграддан меҳаник келди. Тракторни сошлаб, кейинги Абдуқаҳҳор билан Исмоилжонга батафсил ўргатиб кетди.

Қуванинг қўйиши даладаридан неча минг километр масофадаги оқ туялар ўлкаси орасида пахтаимизнинг нафис, оппоқ, узун толаларидай ёрқин дўстлик ришталари кўнгилларни бир-бирига пайванд қилиб турибди. Шоир айтгандай:

Қардошлик кўнгиллар
аро кўприқдир,
Кўзларинг соқчиси нозик
кириқдир,
Тиллар ҳар турли-ю,
тилмоқ керакмас,
Ҳар тилда бем бурчак
юлдуз — табриқдир.

Норматжон УСМОНОВ,
Қува районидаги «Социализм» колхозининг раиси.

Суратларда:

Қардошлик учрашуви.

Кировчилар совға қилган улкан трактор Қувага етиб келди.



ПЎСТИН

1921 йил. Партия ва мамлакат учун оғир дамлар. Ташқи ва ички душманлар тўхтовсиз таҳдид солишади. Партиянинг ўинчи съезди давом этмоқда. Съезд мамлакат олдида турган муҳим муаммоларни муҳокама қилапти.

Съезд вақтинча тўхтатилади. Шум хабар: Кронштадтга исён! Шу жойдаёқ кўнгилдилар рўйхатга олинади. Туркистон партия ташкилотидан борган вакиллardan Т. Ҳрозбоев, Т. Худойбердиев, И. Хидиралиев, А. Каримов ҳам ёзилдилар. Кронштадтга жўнаш олдидан Владимир Ильич Ленин Фарғона қўшинлари группаси реввоенсоветининг аъзоси, Фарғона область революцион комитетининг раиси, Туркистон Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси Тошпўлат Ҳрозбоевни қабул қилди, унда Фарғона ва Туркистондаги аҳволни сурштирди.

Ленин Коммунистик партиянинг миллий сиёсатини ўлкада амалга оширишда ижодий ёндашиш кераклигини уқтириб, айни пайтда «халқлар дўстлигини кўз

қорачиғидай асраш»ни тайинлади. У Фарғонада пахтачиликни қайта тиклаш ва ривожлантириш ишларини тезлаштишга маслаҳат берди.

Владимир Ильич меҳмонини кузатар экан, унга синчков кўзларини тикиб, яқин келди. Тошпўлат Ҳрозбоев юпуроқ кийинган эди.

— Тошпўлат Ҳрозбоевич, ахир сиз иссиқ ўлка одамисиз, Кронштадтда совқотиб қоласиз,— деди Ильич юмшоқ оҳангда. Сўнг бир зум хаёлангандай турди-да, котибига шивирлаб иш буюрди. Дам ўтмай кенг пўстин олиб келишди. Владимир Ильич уни Ҳрозбоевга узатар экан, бояғидай жилмайиб:— Мана буни кийиб олинг, мендан сизга совға бўлсин,— деди.

Ленин пўстини Тошпўлат Ҳрозбоевни шимол совуғидан сақлади. У пўстинини кийиб суратга тушди. Бу сурат улуг доҳини Туркистон билан боғлайдиган энг ноёб тарихий ҳужжатлардан бири сифатида Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалига қўйилган.



Қирғулининг бағри осмони каби кенг. Тоғ ортидан бош кўтарган қуёш бир маҳаллар ўз нурини қип-қизил даштга сепар эди. Бу дашт Фарғонани Марғилондан ажратиб турарди. Бугун эса тамоман ўзгача манзара. Саҳий қуёш мўл-кўл нурларини сердароҳт қўчаларга, гулгул яшнаган хиббонларга, мевали боғларга сочади. Бугун Қирғули қуёшдан нур эмбигина қолмасдан, ўзи водийга нур таратмоқда, водийга қувват, неъмат улашмоқда.

Қирғули — Фарғонанинг кейинги ўн йилда қаторга қўшилган йўлдош шаҳарчаси. Унинг обод бағрида йигирма мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, бу ишчилар синфининг энг ёш авлодидир. Саноат корхоналари билан уй-жой массиви ўртасида кенг қўл яқираб туради.

Водийнинг тўнғич нурхонаси — Ленин номидаги теплоэлектростанция шу ерда. У улкан дастгоҳларни юргизади, ҳаводан азот ўнгити тайёрлаб беради, даштга сув чиқаради, қолаверса уйларимизни чаргон қилади. ТЭЦ ўтган тўрт йилда 3 миллиард 270 миллион киловатт-соат электр қуввати берди. Яқинда унинг тўртинчи навбати ишга туширилди. Бу билан станциянинг қуввати икки баравар ошди. Нурхонада меҳнат қилаётган бир ишчининг ўртача иш ҳақи 143 сўмга етди.

Коллективнинг ўз маъшарлари бор. 130 киши коммунистик меҳнат зарбодори, 450 киши шу ном учун курашяпти. Крайчи С. Филиппенко, машинист Ф. Токарева, слесарь Н. Тихоноваларнинг нурхонага кўл меҳнати синган. Марат Эпонов корхона

ҚИРГУЛИ УСТИДА ҚУЁШ

жонқуярларидан — партия ташкилотининг секретари.

Қирғули қувват, неъмат улашяпти дедик, ҳақ гап. Ўрта Осиёдаги энг йirik нефть корхонаси — Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи Қирғулида жойлашган. Номи завод бўлгани билан — гулхона. Ишчилар иш жойларига боғ оралаб, тулзор оралаб боришади. Корхонада маҳсулот чиқариш қанчалик зарур бўлса, ишлаб чиқариш маданияти ҳам шунчалик зарур, деб ҳисобланади. Қиш маҳалида ҳам бу ерда янги бодрингдан тортиб помидоргача, райхон-жамбилларгача етиштирилади. Яқин келажакда, дарахтлар бўйи чўзганда завод боғ ичида қолиб, атрофдан кўринмайдиган бўлади дейишяпти. Нефтичилар ҳузурида ақалли бир марта бўлган киши бу гапнинг ростлигига шубҳа қилмайди. Корхона йил сайин нефтдан янги-янги маҳсулот тайёрляпти. Бу

йил — алоҳида йил, юбилей йили, нефтичиларнинг ҳиммати ҳар қачонгидан ҳам баланд план мuddатидан илгари адо этилади, белгиланганидан ташқари 372 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади; планга қўшимча 300 минг сўм фойда олинади; меҳнат унумдорлиги мўлжаллагандай уч процент кўп бўлади; маҳсулот таннархи бирмунча арзонлашади.

Қирғулида яна бир ажойиб корхона бор — азот ўнгитлари заводи. Унинг цехларидан ҳар куни вагон-вагон ўнгит ташиб кетилади. Шуниси қизиқки, корхона дарвозасидан ҳеч қанақа хом ашё олиб кирилмайди. Тонна-тонна ўнгит ҳаво билан сувдан тайёрланади. Бу минерал ўнгитлар деҳқоннинг энг ишончли кўмакчисидир. Корхона даставвал 1962 йилнинг охирида маҳсулот бера бошлаган эди. Шундан бери завод йил сайин кенгай борди, эндиликда мамлакатда энг йirik корхоналардан бирига айланади. Селитра, аммиак, техника кислотлари, аммиак суви, дефолиантлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.

Қирғулида қад кўтарган кимёвий тоғлар заводи ҳозирча Ўрта Осиёда шу хилдаги ягона корхонадир. Бу ерда дастлабки ацетат ипак толаси олинди.

Қирғулининг бағри осмони каби кенг. Тоғ ортидан бош кўтарган қуёш нурларини энди қип-қизил даштга эмас, сўлим шаҳарчага, гавжум Қирғулига сочяпти. Қирғулида қўли гул ишчилар, қурувчилар яратган бойликлар узоқ-узоқ юртларга ҳам жўнатиб турилибди.

А. ҲУСАНОВ.

АСЛ МЕЗОН

Рустам РАҲМОН

Бошлангич партия ташкилотининг навбатдаги йиғилишида «Партия ходими қандай бўлиши керак?» деган масала кўришни таклиф қилганида Ревмир Петрович бу ҳолатни кўзда тутмаган эди. Коммунистлар бу таклифни маъқуллашга маъқулладилару докладчи тайинлашда бир аум жим туриб қолдилар, сўнг ҳаммалари олдин

дан келишиб олгандек, бир овоздан Ревмир Петровични кўрсатдилар. Улар ростдан ҳам янгилишмадилар. Ахир, бу ҳамда шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Ляндан яхшироқ ким доклад қила олиши мумкин. У кўп китоб ўқиган, бунинг устига шаҳар партия комитетинида ўн йилдан бери ишлайпти. Шундай бўлса ҳам Рев-

мир Петрович бир қадар ташвишда қолди. Мажлисда доклад қилиш, қилганда ҳам тингловчиларни қаноатлантириш осон иш эмас.

Мана Мўминжон Муҳитдиновни тайинлашса бошқа гап эди. У оддий, жўнгина гапирардию, лекин ҳаммаси мағизли бўлади. Кичик бир йиғилишга ҳам соатлаб тайёрланади. Ҳар бир ишнинг паст-баландини мушоҳида қилади, рақамларни, далилларни, хулосаларни қайта-қайта текшириб, солиштириб кўради, бир масала кўриладиган бўлса, шу соҳага ёндош ёки боғлиқ масалаларни ҳам ҳар эҳтимолга суриштириб олади. У эл олдида чиқиб шаҳар партия комитети номидан гапиринишга жуда масъул иш деб қарайди. Шунинг учун бўлса керак, гаплари доим ишонарли, таъсирли чиқади.

Ревмир Петровичнинг фикри-ўйи қилажак докладда бўлиб қолди. Кечалари ишдан қайтиб китоб кўрди, керакли фикрларни тўғри қилди. Газета тахталарини варақлаб мисоллар таллади. Бироқ жамлаган материаллар қанчалик кўп ва рангбаранг бўлмасин, уни қаноатлантирмади. У ўз-ўзига «Партия ходими қандай бўлиши керак?» деб қайта-қайта савол берад, ҳар сафар партия ходимининг кўп қирралли ҳаётидан бир қиррасини кўз олдига келтирад, сўнг уни мисол билан далиллашга уринилади. Нимагадир китобдан, газетадан олган мисоллари тингловчинини қониқтирмайдигандек туюлаверди. Бу ҳол докладни тайёрлашни орқага сурарди.

Вақт эса ўтиб бормоқда. Ревмир Петрович биринчи секретарга маслаҳат солди. Мўминжон Муҳитдинов ҳамкасбининг аҳволига тушунди.

— Чиндан ҳам, арзимаган ишга ўхшайдию, қийин масала. Бундан кўра бирон корхона раҳбарининг ҳисоботини эшитиш ёки жамоат ишлари тўғрисида гапириниш осонроқ. «Партия ходими қандай бўлиши керак?». Бундай қараганда жавоби ўнгай туюлади. Лекин...

— Шунин айтман-да, — деди Ревмир Петрович дадилланиб, — ҳаётин мисолларда кўрсатиб, ишонтириш керак.

— Ундай бўлса, ўзимизникилардан олақолингда мисолларни? Ҳаммасининг иши ойнадай равшан-ку сизга.

— Шунча қиламан шекилди, — иккинчи секретарь бир нарсани эслагандай Мўминжон Муҳитдиновга қаради. — Рухсат этсангиз, Сизнинг ҳам биографиянгиздан бир-икки факт...

Биринчи секретарь кафтини рўпара қилиб, гапиртирмади:

— Мени кўятуринг. Ёшларни айтсангиз ярашади, мен энди илгаригидек эмасман, қариб қолдим.

Ревмир Петрович ортиқ гапирмади. Чунки суҳбатдошининг феълини билди. Бу ерда хизмат қила бошлаганидан бери тўртта биринчи секретарини кўрди. Ҳаммаларининг феълитовори ҳар хил, бир-бирларига асло ўхшамасди. Айниқса, Мўминжон Муҳитдинов тамомила бошқача.

У йиғирма йилдан бери партия комитетларида секретарлик қилади. Бу унга асосий касб бўлиб қолган дейиш мумкин.

Шу давр ичиди у узун масъулият йўлида бирон марта ҳам қоқилмади, танбеҳ эшитмади. Уч йил Фарғона район партия комитетинида, уч йил Бағдод районинида, уч йил Охунбобоев районинида, уч йил Олтинриқ районинида, уч йил Ўзбекистон районинида биринчи секретарь бўлиб ишлади. Мўминжон Муҳитдинов у райондан бу районга хавасга ўтмади, уни партия юборди. Ҳар сафар оғир, шаронти мураккаб дейилган жойга юборилди. У борган районнинг илгорлар қаторига чиқиб олиши учун ҳаминиша уч йил кинога қилди. Ажаб! Қаерга борса иши олдинга босади. Бунинг бирон сирини бориб-да? Ё алоҳида раҳбарлик таланти бўлармикини?

Ревмир Петрович у билан мана тўрт йилдан бери бирга ишлайди. Унинг иш юритиш маромини сичиклаб кузатиб, билди. Бу ҳақда баъзи фикрларни докладига киритса бўларди.

Маргилоннинг алоҳида сифатлари маълум. Унда неча минг ишчи меҳнат қиладиган йирик корхонадан тортиб, кичик косибчилик дўконигача бор. Бу ерда янги, замонавий кўчалар, массивлардан тортиб, эски, тор кўчалар, маҳаллаларгача бор. Бинобарин, унда яшовчи одамлар ҳам ҳар хил. Шу жиҳатдан бошқа шаҳарларидан бирмунча фарқ қилади. Партия ходими, айниқса шаҳар раҳбарлари бу шароитда ниҳоятда ҳаюл, холис, ростгўй бўлишдан ташқари, аҳолини, тарихин, традицияларини билиши лозим. Мўминжон Муҳитдиновнинг олти ойдаёқ маргилонликларга ёқиб қолганлигининг асосий сирини: ҳар соҳада, ҳар ишда партия принципларини маҳкам ушлашидир. Аввало, шунга ўзини итоат қилдиради, сўнг эса бошқаларни. Ҳар бир масалага партия манфаати нуқтаи назаридан ёндошади.

Шаҳар электр тармоқлари идорасининг бошлиғи Йигитали Гафуров ишдан, ташкилотчи киши эди. Жамоат ишларида партия ташкилотига яқиндан ёрдам берад эди. Нима бўлдию қаттиқ адашди. Бу иш билан шаҳар партия комитетининг биринчи секретари шахсан шугулланди. Бюрода унинг ҳатоларини ошпирмай-яширмай айтиб берди. Йигитали Гафуров партиядан ўчирилди, ишдан олинди. Юқори партия органлари бюросинг хулосасига қўшилди... Орадан бир неча вақт ўтгач, Мўминжон Муҳитдинов Ревмир Петровичдан сўраб қолди:

— Йигиталини кўраёписизми?

— Уша бюродан кейин кўраганим йўқ, — деди иккинчи секретарь нима учун суриштираётганига тушунолмади.

— Чақириб, бирон ишга тавсия қилсанк бўларди. Ҳаёлимдан кўтарилаёзибди. Ахир, ишламаса хатони қандай тузатади, бола-чақаси ҳам бор, уларни боқиб, тарбиялаши керак. Айб қилди деб бир йўла ташлаб юборсанк адолатдан бўлмаса керак. Ҳамма унга партиядан ўчган деб, бошқача қарайди-да, шундай эмасми?

— Тўғри айтасиз. Ўзинга яраша бирон иш бериш керак. — Ўшанда Ревмир Петрович биринчи секретарини ўзинча яна бир кашф этган эди. Балки одамлар уни шу фазилати учун ёқтиришар? Унинг ҳузурига йиғлаб кирган одам кулиб чи-



Маргилон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Мўминжон МУҲИТДИНОВ, шаҳарнинг бош архитектори Иброҳим ҚОРАБОЕВ шаҳар меъморчилиги ҳақида суҳбатлашмоқда.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.



НАЗАРКАРДА

Ингирма тўртинчи йил охирида — Туркистонда янгилик чегаралаш пайтида Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калинин келди. Тошкент ва Самарқандда, Бухоро ва Андижонда бўлиб, ишчилар, деҳқонлар, партия-совет ходимлари билан суҳбатлашди. Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг Раиси Узбекистондан ўзига муносиб ўринбосар танламоқчи эди, ишчилик, республиканинг муътабар, меҳнати синган кишилиги билан учрашди.

Марғилон дўпписи, банорас чопон кийиб, белига шойи белбоғ боғлаган, ағдарма этик кийган қотмагина, новча одам ҳузурига кирганда, Михаил Иванович унга сичковлик билан қаради.

— Қани, марҳамат, ўтиринг, ўртоқ Охунбобоев, — деди Калинин ёнидан жой кўрсатиб.

Суҳбат бошланди. Аввалига, қовушмаётандай туюлган гурунг сал ўтмай қуюқлашиб кетди. Икромов ва Иванов бир четда суҳбатдошларнинг илиқ гурунги тинглаб ўтиришарди. Михаил Иванович муддаога кўчди:

— Ўртоқ Охунбобоев, бир маслаҳатлар гап бор, — деди Бутуниттифоқ оқсоқоли.

— Хўш? — сергақланди Иўлдош ака хил энгашиб.

— Мана, Узбекистон республикасини тузатишлар. Сизнингча, мамлакатни обод, тўқ, фаровон қилиш учун нима керак?

Фарғоналик деҳқон боласи бир зум

хаёлга толди. Сўнг бошини кўтариб, суҳбатдошига тикилди, унинг кўзларида самимийлик, биродарлик туйғуларини ҳис этди. Шундагина салмоқлаб гапира бошлади:

— Узбекистонда пахта яхши битади. Лекин шу... сув тансиқ, Халқин тўйдирадиган, юртни бойтадиган нарса шу... пахта. Пахта — қони фойда. Мана, Бухорога борганда, Андижонга ўтганда кўргангирисиз — қачча-қачча ерлар бўш ётибди, одамнинг жони ачиди. Қани энди сувлар сероб бўлсаю очиб экин қилсанг. Ер эмас — олтин...

Охунбобоев фикрини жамлагани тўхтадим ё гапи тамом бўлдим — жимиб қолди. Михаил Иванович ҳам ўйланиб қолди. У сал олдинроқ бошқа бир неча киши билан ҳам шу ҳусуда суҳбатлашган эди. Аммо уларнинг жавоби бошқачароқ эди. Биринчи — республика истиқболли шаҳарларни қайта қуришда, индустриалашда деб билар, бошқаси эса — бутун эътиборни боғларни қўпайтиришга қаратишда деб ҳисоблар эди.

Михаил Ивановичга Иўлдош Охунбобоевнинг мулоҳазаси ҳам жуда маъқул тушди. Дарҳақиқат, Узбекистон — СССРнинг асосий пахта қони бўлиб қолши керак эди...

Орадан сал вақт ўтмай, Иўлдош Охунбобоев Узбекистоннинг биринчи президенти қилиб сайланди. Умрининг охиригача у ўзбек халқига Ота бўлди. Назаркарда Иўлдош Охунбобоевнинг орауларни бугун тўла амалга оширди...

қадди, ғазаб билан кирган уятдан қизариб чиқади. Ҳамма билан бир хилда мулоим, бошиқ, ширин гаплашади. Сийрак сочлари, пешонасидаги ажин тарамлари, тийран кўзлари, сал букилган қадди унга соддалик, самимийлик бахш этиб туради. У суҳбатдошига дилини очиб гапиради, кўнгил овланб ёлгон гапиришни ёмон кўради.

Очиқ бюро мажлиси бораётганда идора бошлиқларидан бири «бугун пахта теримига ўттиз кишини чиқардик» деб ҳисоб берди. Шунда Мўминжон Муҳитдинов теримда бу идорадан беш кишигина ишлаётганини айтди. Идора бошлиғи биринчи секретарь бормаган деб гумон қилиб, бюро аъзоларини ўз сўзинга ишонтирмоқчи бўлди. Биринчи секретарь эса бақирмади ҳам, қоймади ҳам. Утирганлардан қилиб бир кишидан илтимос қилди:

— «Совет» колхозининг бешинчи бригадасига бориб, шу ташкилотдан қанча одам борлигини билиб келсангиз. Илож бўлса номма-ном ёзиб келинг.

Бюро оҳирлагувча юборилган одам қайтиб келди. Ҳақиқатан ҳам, бу ташкилотдан беш кишигина борган экан. Мўминжон Муҳитдинов ёлғончи раҳбарга индамади, уни жазоламади ҳам. Аммо шу воқеадан кейин ҳалиги идора бошлиғидай ҳодимлар унга ёлгон гапириб уdda қиллолмасликларини билишди.

Партия ходими ўзи ишлаб турган жойининг барча шариғини, корхона ва ташкилотларнинг ишини, улардаги ишчи-хизматчиларнинг ҳаёти, феъл-кайфиятини пухта билган бўлиши шарт. Мўминжон Муҳитдинов ўн беш йил районларда ишлаб

келди. Шаҳар шариғини, саноат корхоналари ишини ўрганиш, унинг икки-чакрларини билиш, ишчилар синфи традицияларини ўзлаштириш осон эмасди албатта. Лекин партия ишини пухта эгаллаган бу киши янги шариғига тез кўнгиқди. Дастлабки пайтларда кўп вақтинги саноат корхоналарида ўтказди, уларнинг паст-балаидини ўрганиш, одамлар ҳаётига разам солди.

Бир кун Ревмир Петровичга шойи тўқиш комбинатига борганини айтиб, ундан маслаҳат сўради. Ян шаҳар партия комитетига шу комбинатдан ишга келган эди, касби итти-содчи-инженер.

— Пиллакашлик фабрикасини биласиз-а? — деди биринчи секретарь. — Комбинатнинг калити дейиш мумкин. Агар тала бўлмаса бошқа фабрикалар тўхтаб қолади, шундай эмасми? Толани ана шу пиллакашлар беради. Бугун яна ўша ерга бордим. Меҳнат шариғини оғир. Цехларда доим қозонлар қайнаб туради. Нам, ҳўл, иссиқ. Ишчи қўлини қайноқ сувга солиб тола суғуради, доим намда ишлади, ҳавоси дим. Шу ҳолатда етти соатдан ишлашади. Буни қарангки, ҳанузгача бу фабрика иши саломатликка зарарли касб деб ҳисобланмас экан! Шунинг учун фабрикада ишчи кучи доим етишмайди. Шу масалани нима қилсак экан, тегишли ташкилотлар олдинга қўйсак дейман? Сиз нима дейсиз?

— Гагингиз тўғри. Лекин илгари ҳам бу масала бир-икки бор кўтарилган, аммо охирига етказилмаган эди.

— Келинг, Ревмир Петрович, шу масалани биргаликда

охирига етказайлик. Шунинг ҳисоб-китобларини тайёрлатишнинг зиммангизга олсангиз, мен депутат сифатида юқори ташкилотлар олдинга қўйсам.

Ревмир Петрович хаёлчан бош иргиди. Дарвоқе, у бошланғич партия ташкилоти йиғилишига доклад тайёрлапти. Бу воқеа эса анча олдин бўлиб ўтган. У йиғилишда айтмоқчи бўлган фикр-мулоҳазаларини яна бир мушоҳида қилиб ўтирганида кабинет эшигини Мўминжон Муҳитдинов очди.

— Ёлғизмисиз? — деб экин келди. — Бугун кўришмадик чамаси. Салом, Ревмир Петрович. Кўришиб, рўпарама-рўпара ўтиришди.

— Увайсий театрини очиб маросимга ўзингиз мутасадди бўласиз-да-а? Е кечикдимми?

Иккинчи секретарь жилмайди.

— Тайёр бўляпти, — деди. Сўнг ўз муддаосини айтиш учун қўшиб қўйди: — доклад ҳам.

— Ҳа, айтгандай, бўляптими? — сўради биринчи секретарь

— Битди ҳисоб... Ҳар қалай, сизнинг тўғрингизда ҳам бирикки оғиз гапираман шекилли.

— Танқил қиласанми?

Ревмир Петрович соддадиллик билан кулди.

— Йўқ, Ревмир Петрович, илтимос: мени қўйинг.

— Нега энди? — иккинчи секретарь ўз фикрини далилламоқчи бўлди. — Ходимларнинг орасида энг кексаси, энг тажрибалиси сизсиз...

— Ҳа, балли, энг кексаси ман. Биласизми, Ревмир Петрович, мақтов яхши нарса: уни ким хуш кўрмайди, дейсиз? Аммо... илгариги қувватим, ғайратим йўқ энди. Мақтовдан

кейин кишида масъулият ортади. Бағдод районига ишлаган давримда область кенгашида бир мақтовга тушганмиз. Ғўза парварши энди бошланган маҳал эди. Ишонасизми, ўша йили пахта йиғиб-териб бўлингунча на ўзим тинганман, на район активлари тинган. Нега десангиз, орянт қаттиқ нарса. «Мана, областда бизни мақташди, йил охирида шарманда бўлмайлик» деган ташвишда роса ишладик. Агар ўшанда ишларимиз яхши аяқуланмаганда «мақтангаларинг шуми!» деб ҳамма таъна қилиши мумкин эди. Шундай эмасми? Ҳа, балли.

Ревмир Петрович тўплаган фактлари ҳаёф кетишини қизгандими, ёки биринчи секретарининг ишлари шаҳар партия комитети ходимлари учун чиндан ҳам энг ишонарли далил бўлишини ўйлади, ҳар қалай яна ўз фикрини такрорлади.

— Докладим тайёр бўлиб қолган, уни бузгим келмапти, — деди у қулиб.

— Менга қаранг. Ревмир Петрович, сиз Ленин ҳақида кўпроқ гапиринг. Энг ишонарли, энг тўғри факт — Ленин, — Мўминжон Муҳитдинов қўлини Ревмир Петрович қўлига қўйди.

— Владимир Ильич ҳақида албатта гапирман. Маҳаллий мисоллар ҳам бўлгани яхши-да.

— Йўқ, у киши ҳамма жойда мисол бўла олади.

— Тўғри. Лекин ҳамма Ленин бўлавермайди-да!

— Ленин бўлмаслиги рост, аммо ҳар бир ходим Лениндек бўлишга интилиши керак. Бизга Ленин — энг тўғри мезон.

Ревмир Петрович бу гал эътироз билдиришга ҳад қиллолмади. Мўминжон Муҳитдинов тамомила ҳақ экан.



Кун тиғи тик келганда... Охунбобоев район, Киров номли колхоз оромгоҳи.



В. ДМИТРИЕВ фотосп.

Бир маҳаллар ҳар қишлоқнинг ҳовузи бўларди. Кузда унга сув тўлдириб қўйиб, қиш ичи шу ҳовуздан ташиб ичиларди. Бошқа илож йўқ эди, чунки аёзда дарёлар, ариқлар музларди, сув оқмасди. Баҳорда эса дарёлар тошиб, соҳилларни емирар, одамларни шошириб қўярди. Ез кирганда деҳқон яна дарёга термулиб қоларди, экинни суғоришга сув етишмасди.

Маҳалла ҳовузлири энди фақат сайргоҳ бўлиб қолди. Одамлар энди натта ҳовузлар қурадиган бўлишди.

Ушундай ҳовуз соҳилида тиззага қадар сув кечиб, тош супачада ўтирибман. Майин шабада эсасди, сўнг аста кучайиб шамолга айланади. Нариги чети баланд қирларга қадалувчи ҳовуз суви чайқалади, тарам-тарам тўлқинлар бир-бирини қувлашиб юмалашади.

Олис-олисларга боқаман, юксан тоғ бошида булутлар оқчушлардек сузиб юришибди. Пастроқда эса бир-бирига ёнбошлаган кул ранг адирлар. Асрий тоғлар сийнасида макон толган музликлар эриб, тошдан-тошга урилиб, дарё бўлиб водийга интилади. Баҳор неэларида тошади, неч кузада бўшади, айна долзарб ёзда талаш бўлади. Наҳотки, йил бўйи бир меъёрда оқмаса? Табиатнинг хатоси бу! Уни тузатиш керак! Инсон табиат хатосини тузатишга жазм қилди. Водий дарвозаси олдида улкан ҳовуз барпо қилди. Шошиб-тошиб келган сувлар бу шоқосага қуйилади. Ундан чиниб, аввалгидай соҳилларни емирмайди. Ез ойларида, долзарб кунларга асраб қуйилади.

Экинлар чанчаганда, деҳқон сув тилаганда шоқосанинг дарвозаси истаганча кўтарилади, об-ҳаёт водийга шошади, экинлар томирига сингади, уларга ҳаёт бахш этади. Бу муруват эвазига мўл-кўл ҳосил инъом этади... Бу сунъий денгиздан қирқ юкил бўлиб таралган ирмоқлар экинзорлар, боғуруғларга бориб сингийди. Шоқосанинг суви доим лиммо-лим, асло тугамайди, ҳар йил, ҳар фасл шундай, мисоли битмас-туганмас хазина...

Қорли чўқиқларга боқаман. Бояги оқ булутлар кўринмайди. Олачопон тоғлар эса ҳамон ўрнида. Бу шоқоса ҳам ўша тоғлардек мустаҳкам, умрбоқий экинни ўйлаб ҳаяжонланаман.

Тўлқин шовулляпти. Бу — юртим харитасига халқим ўзгартиш киритган нуқта — улкан шоқоса. Суви мўл — 210 миллион кубометр.

Агар илгариги қишлоқ ҳовузларига тақсимланса қанча-қанчасини тўлдириб тоширади!

Мана шу шоқоса — менинг денгизим, менинг Каридоним!

М. БЕК.



Меҳнат дедим

Эй, кўнгил, бахту саодат не дединг, меҳнат дедим,
Меҳнатинг завқ берса, одат не дединг, роҳат дедим.

Ҳар фазилат касби заҳматсиз бўлурму дастгир,
Бўлмаса танда риёзат не дединг, иллат дедим.

Юздаги ҳусну тароват, кўздаги меҳри гнё,
Сўздаги лутфу фасоҳат не дединг, ҳурмат дедим.

Эгрилик исноди нисонга разолатдан далил,
Туғри йўлга чин далолат не дединг, шафқат дедим.

Бадгумон дилдан ширинлик топмадим деб ранжима,
Шўру зах ердан зироат не дединг, офат дедим.

Ҳар ёмону яхши йўлга бошлаган ўз хоҳишинг,
Бу икки маънода ҳикмат не дединг, улфат дедим.

Кибру манманлик билан тўлган кўнгил ёр ўлмагай,
Камтарин дўстинг-ла суҳбат не дединг, давлат дедим.

Айтди донолар: ганимат ҳар дамнинг, ҳар соатинг,
Бу азиз умр ичра қиммат не дединг, фурсат дедим.

Баҳралансин донишингдан беғараз толибларинг,
Лекин оғир юк ниҳоят не дединг, миннат дедим.

Чархий, бошингни эмас, қалбингни рост айлаб гапир,
Сенга бу мазмун ишорат не дединг, ибрат дедим.



Безавқ наво — наво бўлурму,
Бенур ҳаво — ҳаво бўлурму?

Олтин эмас эрса асли зоти,
Мис рангли жило — жило бўлурму?

Дил ойнадирки, сайқали йўқ
Кўзгуда зиё — зиё бўлурму?

То дўстига дилни пайванд этмай,
Ҳеч сидқу сафо — сафо бўлурму?

Ҳар йўлда йўловчи ҳамдам эрмас,
Ҳар жони фидо — фидо бўлурму?

Ишқ аҳли умид ила чекар оҳ,
Бир лутфга гадо — гадо бўлурму?

Гар боқмаса меҳр ила қиёлаб,
Ҳар тарзи нигоҳ — нигоҳ бўлурму?

Иқрорига кўнмаса ўжар ёр,
Инкори раво — раво бўлурму?

Хилватда хаёли базми Жамшид,
Зоҳирда ибодат — ибодат бўлурму?

Мумкинки қорайса сурмадан кўз,
Ҳар чашми сиё — сиё бўлурму?

Юз ваъдага бир вафо кўринмас,
Пуч аҳду вафо — вафо бўлурму?

Беҳудага тортма айюҳаннос,
Бефайза нидо — нидо бўлурму?

Ихлос ила дардингга даво эт,
Иўқса бу даво — даво бўлурму?

Шўрхок заминда парваринсиз
Бечора гнё — гнё бўлурму?

Бонг урмаса жону-дил билан ким,
Чархий, бу садо — садо бўлурму?

Охунжон ҲАКИМОВ

Бизнинг Данко

Сўнги ёруғ юлдуз сўнди тиккада,
Хонага тонггача нур тарар чироқ.
Омонат столга тушиб муккадан,
Шоир ёзар, чизар...

Кўзида — чароқ,
Қанотин «пат-пат» лаб ҳўроз қичқирди,
Дам ўтмай, бўйинини чўзди муаззини.
Еллар қанотига миниб югурди
Унинг нола тўла овози,
ҳазин...

Шоир тонг ҳавосин симирад тўйиб,
Сўнгра липиллаган чироқини пуфлар.
Ленин томларига бир қараб қўйиб,
Оҳиста ганжина эшигин қулфлар...
Аста эриб борар мовий сукунат,
Керниб,
уйғонар қишлоқ уйқудан.

Шоир-чи,
ҳар субҳ қилгандай одат
Қуёшни қаршилар ўша чўққидан!
Шоилар у муқим манзили сари
Сербар камарига бармоғин тираб.
Ана, рангпар юзи яна оқариб
Чикди телега у
терлаб, хансираб.

Хушнуд кулимсираб терларин артар,
Совуқ ел пуркийди чўққилардан қор.
Пастда уфқларга тўш уриб ётар
Заҳматлар заҳрдан қутулган диёр!
Бирдан ловуллади жумлайи жаҳон:
Қоялар устида офтоб соч тарар!
Ушбу сониядан гўзал бирор он —
Йўқ шоир наздида...

У пастга қарар...
У пастга боқару аста бош чайқар,
Мушт тугар,
асабий пичирлар лаби.
Қаҳру нафратлари юзига қалқар,
Кўзларида ёнар ўтли ғазаб!
Чўққиди тураркан нурга чулғаниб,
Ҳайқириб тортиси келайди наъра:
— Эй, қуёш!

Нурунган, айтгин-чи қағи,
Қузғун ҳам табакай олгуси баҳра?!
Йўқ, қуёш эшитмас наъра, хитобин,
Жилмайиб чиқар у,

ботар жилмайиб,
Шоир пастга тушар ёниб, туюқиб,
У меҳрин ҳаммага соча билмайди...
Чунки бу гўшада юрар гинирлаб
Қўли қон.

кўзлари жалаңлаганлар.
Завол бўлиб не-не қирчин умрга,
Бугун енг ичра тиг яланлаганлар...
Шоир чойхонага ташлайди нигоҳ,
Самовар шақиллар,
гавжум сўрилар.

Исириқ тутатиб дейди: «Ё, олло!»
Қаламдар жандасин кийган бўрилар!
Кўксув ҳайқиради гўё туюқиб,
Шоир теграсини ўрайди дўстлар.
Лекин ҳар қадамин этади таъқиб
Кулоҳлар остидан ҳўмрайган кўзлар.
Лангиллайди сархона чўғи,
Сукунат...

Бедана «вавақ»лайди гоҳ.
Аммо Ҳамза билар — бу тоғ қишлоғи
Бугун икки гоё тўқнашган жангоҳ!
Бунда икки дунё қаттол жанг қилар:
Биттаси — маърифат,
биттаси — оғу!
Неча йиллар кечди, олишар улар,
Биттаси — зулматдир,
биттаси — ёғду!

Шоир ғолиб чиқди қаттол савашда,
Сўзлари оташдай, гоҳи — қамчидай.
Аммо у
маррага байроқ қадашда
Сўнги ёв ўқига учган жангчидай —
Қулади...

Сесканиб «оҳ!» деди ўлка,
Салафлар сафидан бир нор қулади...
Янргоқ назминизда чўнг богдон бўлган
Напнки бир адиб,
чинор қулади!
...Ҳамза изларини босганча таңо,
Юксакка чиқмади унинг йўлидан.
Хў ана, турар у мисоли Данко,
Маърифат машъали порлаб қўлида!

Мушқара



КУМУШ КАМАР

Ким ҳақида гап бораётганини фаҳм-
ладингиз, албатта. У — чиндан ҳам
кумуш камарлар ижодчиси. Қаерда,
қандай йнғин бўлмасин, нутқ сўзлагани-
да сувдан, суғоришдан гап очарди, сўзи-
нинг охирида зўр ҳарорат ва ишонч
билан қўлларини боши узра кўтариб:
— Ўзбекистонимиз белига кумуш ка-
марлар боғлаймиз!— деб хитоб қилар-
ди.

У фарғоналикларни Лоғон каналини
очишга ундади, бу билан халқнинг ия-
маларга қодирлигини кўрсатишини иста-
тарди. Лоғон биттач, янада каттароқ
ишга қўл урди. Неча ўн минг одам
кетмон, белгўрак, чўкич, замбил кўта-
риб, икки юз етмиш километрли олис
масофани чумолидай қоплади. Колхоз-
чилар, ишчилар, агитаторлар, партия,
совет, комсомол ташкилотларнинг раҳ-
барлари бу улкан қурилишга ёппасига
жўнади. Санъаткорлар, ёзувчилар, жур-
налистлар — халқ ҳузурига келдилар.

Катта Фарғона канали қурилишини
жаҳон кузатиб турди. Жаҳон кўзи ол-
дида бор-йўғи қирқ беш кунда Норин
соҳилдан Тожикистон ерларигача чў-
зилган буюк канал қўриб битказилди.
Фарғона водийси белига дастлабки ку-

муш камар боғланди! Бу жасоратдан
жаҳон қойил қолди!

Сўнгра Жанубий, Шимолий Фарғо-
на, Тошкент каналлари, Каттақўрғон
ҳовузи ва қанча-қанча сув ишоотлари
қурилдики, ҳаммасида республикамиз
партия Марказий Комитетининг ўша
махалдаги биринчи секретари Усмои
Юсулов бош-қош бўлди. У бутун ҳаёти-
ни, битмас-туганмас куч-гайратини Ўзе-
бекистонни гуллаб-яшнаган ўлкага, нураф-
шон ўлкага, Фаровон ўлкага айланти-
ришга бағишлади. Улуғ Ватан уруши
йилларида қурилган Фарҳод ГЭС, Ўз-
бекистон металлургия заводи унинг но-
ми билан чамбарчас боғланган. Мирза-
чўл сийнасида, Янгийўлдаги «Халиқ-
обод» қирларида бугун шовуллаб тур-
ган неча минг гектар боғ-роғлар Усмои
Юсуловга жонли ҳайкал бўлиб ўс-
япти.

Партия, халқ ўлкага кумуш камар
боғлаш истаги билан яшаган шонли
фарзандини қадрлаб, афсонавий халқ
ишооти — Катта Фарғона каналини
унинг номи билан атади. Усмои Юсулов
сиймоси Куйганёр тўғони бўйида, икки
дарё оралигида, ҳамшиалик гулзор ичи-
даги баланд постаментда турбди.

Малика МИРЗАЕВА

Матлуба АҲМЕДОВА

Атом нидоси

Ушбу хислат билан тилдамиз

Қишлоқ қизи эдим... Олов қизалоқ,
Ўриклар шохида куним ўтарди.
Бир кўча болага берардим сабоқ,
Излаб онагинам эси кетарди.
Еши улугларга ўзгача эдим,
Тик боққанам билмам отам кўзига.
Ҳар ерда, ҳар қачон ассалом дердим,
Терс боққанам билмам онам юзига.
Шундай эдик бизлар бир кўча бола,
Еши улугларга эдик таъзимда.
Болаликни эслаб кўрсам хаёлан,
Ҳамон ўшандаймиз менинг наздимда.
Мана қанча йиллар ўтибди, қаранг,
Ўзим ҳам яшайман қишлоқдан олис.
Ўсган қишлоғимни танийман аранг,
Аммо юрагимда ёниқ таниш ҳис.
Қишлоғим ўсибди, доврўқ солибди,
Еш-қари ўзгача, турмуши там-там.
Аммо битта нарса шундай қолибди,
Ўшандай қолибди бир ҳис шунда ҳам:
Еши улугларга таъзим беканда,
Ота-оналарга ўша хилдамиз.
Шу ҳис қонимизга сингиб кетган-да,
Ушбу хислат билан доим тилдамиз...

Қодир ДЕҲҚОНОВ

Экскаватор

Унинг номи ғазалга тушмас,
Сакта қилар лирикани ҳам.
Мисраларга сира қовушмас,
Шундан унга аталган шеър кам.
Қўшиқларда куйланмаса ҳам,
Ўз ишини қилаверади.
Достонларда сўйланмаса ҳам,
Ер бағрини тилаверади.
Хартумида тупроқ қўпориб,
Чўл бағрига қўл солади у.
Барханларни тилкалаб, ёриб,
Сахроларга йўл солади у.
Узоқлардан келтиради сув,
Сахро кўзини ёшлаб юради.
Кўринишдан у гўзалмас-у,
Гўзаллиқни бошлаб юради.

Қайдансиз?

— Қайдансиз, қўшиқлар, қайдансиз
шеърлар,
Бунчалар жозиба, сеҳр бор сизда!
Дилни сархуш айлар, дилни элитар,
Қандайдир боғловчи меҳр бор сизда,
Айтинг-чи, қайдансиз?
— Аслимиз сиздан.
Инсоннинг инсонга бўлган меҳри-ю,
Бокира туйғулар, покиза ҳисдан.

— Наврўзи оламда борлиқни тутган,
Эй хушбўй атирлар, сизлар қайдансиз?
Одамлар одамга меҳр-ла тутган
Райхонлар, раънолар, гуллар, қайдансиз?
— Тупроқда яралдик қўлларингиздан,
Инсоннинг инсонга бўлган меҳри-ю,
Бокира туйғулар, покиза ҳисдан.

— Дилларга диллардек яқин ва ошна
Латифлик, эзулик, ширинзабонлик,
Сизлар қайдансиз?
Қаерда турғилиб, қаерда яшнаб,
Қайда яралдингиз, қайси жаҳонлик?
— Бизлар қанот қодик дилларингиздан,
Инсоннинг инсонга бўлган меҳри-ю,
Бокира туйғулар, покиза ҳисдан.

Кўнилла

Кўнил муштоқ экан кўнилга,
Ором тошмас экан у ёлғиз.
Одамлар ҳам қўнил майли-ла,
Йўл босар-қан кеча ва кундуз.

Гар шодланса кўнил кўнилдан
Ўхшар экан қиройли гулга.
Ва қатларин ёзармиш бирдан,
Ишонган дам кўнил кўнилга.

Абдулаҳад ҲУМОНОВ

Ханжар тутган бўлмаса қаршимда,
Мен ҳам тутмас эдим бекордан-бекор.
Не савдолар бордир азиз бошимда,
Ханжарим, ҳали ҳам сен менга даркор.

Ҳали ишончларга тўлиқмас дунё,
Шубҳа яшмоқда унга ёлма-ён.
Мен-ку мақсадимга етаман,
аммо —
Ханжарим, қинингда қолсайдинг пинҳон.

Агар нодон қўлига тушсам,
Гулистонлар қул бўлар шаксин.
Иўқ бўлади лазиз ҳаёт ҳам,
Ажал ҳукмин ўтказгум ёлғиз.

Агар доно қўлида бўлсам,
Яратаман янги бир дунё.
Камол топар мен билан олам,
Зулматларга сочгумдир янё.

Нодонларга асло, Одамлар,
Мени берманг, бўлмай ўйинчоқ.
Ҳеч босмасин дунёни гаmlар,
Вайронлиқни истамам мултоқ.

Эргаш ЕНДОШЕВ

Лойда юрган гўдак юзига
«Чиқ, нодон!» деб бир урди биров.
Чуввос солди болакай даров,
Хўрлик ёши тўлай қўзига...

Урган ёнар азоб ўтида,
«Бас қил!» деса, у йнғлар ҳўн-ҳўн.
Юпатишин билмагандан сўнг,
Йиғлатмаслик керак эди-да!

Мени Мажнун дейсан, майли, бор бўлгин.
Ёниб қуйлашимга сабабор бўлгин.
Мени Мажнунликка муносиб билсанг,
Ўзинг Лайлайдин вафодор бўлгин!

«Мени ой деб ата!» дединг,
Менку ҳукминг ўташга шай.
Аммо, ой деб атаб, кейин,
Токай ердан қараб ётай?

Қўй, мени қийнама, дилбарим,
Қўй, мени қийнама.
Қўлингга маҳталдир гулларим,
Ол, ҳазил ўйнама!

Гулларим муждадир баҳордан,
Ол, шамол тўқмасин!
Уларни бахш этган баҳор ҳам
Хижолат чекмасин!

КАТТА ИЖОДХОНАМИЗ

Бундан ролпа-роса қирқ йил аввал Фаргона давлат педагогика институти илк бор талабаларга эшик очган эди. Уша йили биргина факультет бўлиб, эллика яқин студент қабул қилинган. Шундан бери бу ўқув юрти даргоҳида ўн олти мингдан ортиқ йигит-қиз таълим олиб, олий маълумотли муаллим деган унвон билан ишга кетди. Ҳозир институтида саккиз факультет, 34 кафедра бор, 360 ўқитувчининг 5 таси фан доктори, 84 таси фан кандидати-дир.

Кейинги йилларда педагогика институти коллективи студентларга таълим бериш билангина чекланиб қолмасдан, республиканинг фани олдида турган муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшиш мақсадида кенг кўламда илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу нарса ўқув-таълим савиясини тубдан яхшилашга ёрдам бераётгани айниқса қувончлидир.

Бу мақолада институтимиз олимлари ҳал этаётган илмий-назарий муаммолар ҳақида қисқача маълумот бермоқчимиз.

Зоология кафедрасининг мудирини, академик А. Муҳаммадиев шолкорлик ерларда карп балиғини кўпайтириш юзасидан узоқ йиллар амалий тажриба олиб борди. Бу нарса халқ хўжалиғи учун анча фойда келтириши аниқланди. Эндиллиқда республикамизнинг кўпгина жойларида бу усул билан балиқ урчирилмоқда. Илгор хўжаликлар ҳар гектар шולי майдонидан 100—120 килограмдан балиқ кўпайтирапти, аини пайтда бу балиқлар шולי ҳосилдорлигини ҳам 10—15 процент оширади.

Кафедра аъзолари Фаргона водийсидаги Косонсой, Қарқидон сув омборлари ва кўп-кўп қўлларнинг гидробиологиясини ўрганиб, уларда тез ўсувчи балиқларни кўпайтириш мумкинлигини исботладилар. Олимларнинг тақлиди билан бу ҳавзаларда кўп-кўп балиқ урчирилмоқда. Сўнги йилларда кафедранинг илмий ходимлари Сурхондарё воҳасидаги сув омборлари, Хоразм ва Қорақалпоғистон шолпоялари, шунингдек шимоллий Тоҷикистон сув хавзаларини тадқиқ этдилар. Бу ишлар Ўзбекистон ва Тоҷикистон илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорликда қилинди.

Институтимиз ходимлари водийнинг ўсимликлар дунёсини ўрганишга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ботаника кафедрасининг мудирини профессор С. Соҳобиддиновнинг «Урта Осиёнинг доривор ўсимликлари» монографияси илм аҳли учун яхши қўлланма ҳисобланади. Кейинги йилларда профессор Фарғонадаги сув ўти (ёки олтин рангли адонос) ва бўғиғул хусусиятини ўрганиб, бу ўсимликлар таркибида саломатликни тиклайдиган гоаят муҳим моддалар борлигини аниқлади. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бу моддалардан тайёрланган дориларни клиникаларда қўллашга рухсат берди.

Фарғона — пахтакор водий. Шу сабабли олимларимиз пахта ҳосилдорлигини ошириш, ердан тежамли фойдаланишдек зарур масалаларни тадқиқ этмоқдалар. Доцент Тўйчиев чигитни экиш олдиндан олдий сувда эмас, балки минерал озуқа эритмасида нивитлишини тақлиф қилди. Шунингдек, ҳайдов олдида ерга ҳамда гўза қатор ора-ларига солинадиган минерал ўғитнинг янги составини ўрганди. Оқибатда тажриба ўтказилган жойларда пахта хосли 2—4 центнер ортиди. Доцент К. Мирзаева Фарғона водийси тупроқ, сув ва ўсимликлар микроэлементларини ўрганиб, катта назарий ва амалий хулосалар чиқарди. Унинг илмий хулосалари колхоз ва совхозларда қўлланиб келяпти. К. Мирзаеванинг бу тадқиқотини мутахассис олимлар юқори баҳоладилар, уни докторлик диссертацияси сифатида тасвир этдилар. Шунингдек доцент Н. Пўлтов, фан кандидатлари М. Мўминов, Ю. Парпиев, М. Абдуллаев, Ю. Султоновларнинг илмий ишлари халқ хўжалигимиз, айниқса қишлоқ хўжалигимизда муҳим амалий натижалар бермоқда.

Москвада нашр этиладиган «Изобрета-

тель и рационализатор» журналининг 1968 йил 4-сонида Америкада Фарғона физикларининг назарий хулосалари ва амалий ишлари асосида тамоман янги типдаги двигателли кема тайёрланаётгани хабар қилинди. Б. Отақулов, Р. Сигалов раҳбарлигида бир гуруҳ Фарғона физиклари ҳозиргача аксиома ҳисобланган баъзи физик қонунларга зид бўлган янги физик ҳодисани очган, уни назарий асослаган эдилар. Журнал бу олимларнинг янгича двигатель яратётганлиқларини айтиб, бу янгиликни танг қўлдирадиган ажойиб ҳодиса деб баҳолаган ва мазкур физик ҳодисага «Сигалов эффекти» номи берилганини хабар қилган. Москва, Ленинграддан келган машҳур физиклар бу фикрни тасдиқладилар. Фарғона физикларининг фикри пойтахтдаги махсус илмий ташкилотларда тингланиб, маъқулланди. Шуниси қувончлики, физика кафедраси аъзолари янги назарияни амалда қўллаб, 1969 йилнинг ўзида 20 га яқин янги илм машина, асбоб ва механизмлар кашф этишди.

Институт математикаларидан профессор Ж. Каримов, доцент К. Бойқўзиевнинг тигерболлик дифференциал тенгламалар устида олиб борган текширишлари ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Яқин орада институт қошида ҳисоблаш маркази ишга туширилади. Ҳозир электрон ҳисоблаш машинаси, етарли кадрларга эгамиш. Ташкилотларнинг ишларини қилиб бериш учун шартнома тузмоқдамиз.

Ижтимоий кафедраларнинг илмий фаолияти область маданияти, маорифи ва тарихи билан боғланган. Бу соҳада, айниқса, файласуфларнинг социологик текширишлари диққатга сазовордир. Доцент Т. Шарипов раҳбарлигида бир неча йиллардан бери Фарғона область саноат корхоналари ва совхоз, колхозларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг шаклланиш проблемаси ўрганилмоқда. Бу социологик текширишнинг натижалари область партия комитети бюросида қўрилди.

Илмий-текшириш ишларига катта аҳамият берилаётгани туфайли институтимизда юқори малакали ходимлар сонини кўпайтмоқда. Келгуси икки-уч йил ичюда яна 6 киши докторлик, 30 киши кандидатлик диссертациясини ёқлайди. Биз бунга институт қошидаги аспирантура орқали ҳамда марказий илмий-текшириш институтларига аспирант ва стажерлар юбориш, ўқитувчиларимизга илмий ҳамда ижодий командировкалар бериш йўли билан эришмоқдамиз.

Фарғона педагогика институти ректорати, жамоат ташкилотлари ва кафедра ҳамда факультетлар мўлжаллаган режалар катта. Институт ўқитувчилар коллективи коммунистик гоаяга содиқ педагог кадрлар тайёрлашда бундан кейин ҳам бутун куч-ғайратларини аямайдилад.

Ғани АБДУРАҲМОНОВ,

Удугбек номидаги Фарғона давлат педагогика институтининг ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор.



Удугбек номидаги Фарғона давлат педагогика институти, Ботаника кафедраси мудирини профессор Сирож САҲОБИДДИНОВ (чапда) билан институт ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ғани АБДУРАҲМОНОВ.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.



ҲАМЗАНИНГ БИР НИГОҶИ

Ҳамза Ҳақимзода Қўқондан Шоҳимардонга кетмоқда эди. Ег бозори кўпригининг бериги томондаги чорраҳага етганда чорпояларга гиламлар тўшалган чойхонага кўриб, чой ичгиси келди. Чойхонага бурилди. Шу пайт кўча юзиди пойафзал ёғловчи ёшгина бола қўлидаги икки чўткасини яшиғига уриб тиқирлатиб, Ҳамзанинг бир куйига тақлид қилар, шу «музыка»га замзама билан жүр бўлар эди.

Устоз завқ билан қулоқ солди, қўлидаги пиёланга гиламга кўйиб, яқин борди. Этириб этигини ёғлатаркан, болани гапга сола бошлади.

- Номинг нима?
- Саламон!
- Отангинг номи нима?
- Евдаки!
- Отанг нима иш қилади?
- Отам ўлган, онам бор, ман пой-афзал ёғлаб, онами боқаман!
- Музыка мактабига киргизиб кўйсам ўқийсанми?
- Ман ўқисам онами ким боқади?
- У кишини ишга жойлаб кўйсак-чи?
- Онамини ишга жойлаб кўйсангиз ўқийман!

Этиг ёғланди. Бола яна чўткани уриб, «машқ» қила бошлади. Ҳамзахон ака танга чиқариб берди. Сўнг яна чойхона-

га қайтди. Чой ҳўплар экан, завқланиб кетди:

— Кўряписими истеъдодини! Бунинг чўтқада қилаётган ишини нўвоқ созанда соз билан эллай олмайди! Ажойиб бола экан!

Ҳамзахон ака қоғоз-қалам олиб, шоша-ниша хат ёзди. Хатни ҳамсуҳбатига узатди:

— Бунинг дарвор Мирзонда элтиб бер, бугун-эртадан қолдирмай, ўзини музыка мактабига, онасини ўша мактабнинг қора хизматига жойлаб кўйсин. Хатда шуни тайинладим!

Мирзод Мирзиқолов Ҳамза Ҳақимзоданинг яқин дўстларидан бўлиб, Фарғона музофоти сиёсий оқартув шўбасининг мудури эди.

Ҳамзахон ака жунаётиб, яна қайта тайинлади:

— Сен ҳозир ишинга бермай, аввал Мирзонда хатни элтиб бер!...

Орадан ўттиз йил ўтди. 1957 йилда истеъдодли бастакор Сулаймон Юдаков Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг «Майсаранинг иши» комедияси асосида опера яратди. Бу ўша ёғбозорлик етимча Саламон Евдаки ўғли — Сулаймон Юдаков эди.

3 / 10

АТЛАС ИНСТИТУТИ

Марғилон станциясидан шаҳарга бораверишда унча кўзга ташланмайдиган қўшқават бино бор. Унинг кўча эшиғида «Ўзбекистон ипак саноати илмий-текшириш институти» деган ёзув турибди. Бу илмий муассасанинг Марғилонга жойлашиши бекиз эмас, Марғилон — республикамизнинг шоҳи тўқиш маркази. Бугунги ипакчиларнинг авлод-аждодлари шу касб билан машғул бўлганлар. Бинобарин, ўша қадимий анъаналарни ўрганиш, уларни таномиллаштириш, янгиликларни яратиш институт илм аҳли зиммасига юкланган. Ипакчилик саноатида нетма-нет пайдо бўлаётган замонавий нодир ускуналар, ақлли машиналар, кишини мафтун этадиган минг бир жилода товланувчи ипак газламалар даставвал шу даргоҳда инод қилинади.

Марғилон, Фарғона, Чоркўй пиллакашлари институт коллективи яратган «СК—5» машинасини ипакчиликнинг жони дейишади. Негаки, пиллани буғлаш, тола учини топиб ўраш, текис тола ҳосил қилиш сингари нозик ишни шу машина ўзи қилади. Саноат биргина шу янги дастгоҳ туфайли йилига 850 минг сўмга яқин фойда кўрапти.

Илмий-текшириш институти ходимлари кейинги ўн йил ичида катта илмий тадқиқотлар устиди ишлаб оладиган, ипакчиликнинг мураккаб масалаларини муваффақиятли ҳал эта

оладиган коллективга айланди. Институтда ўн икки илмий-текшириш лабораторияси бор, булар ипакчилик саноатини ривожлантиришнинг барча соҳалари билан шугулланади. Ипак чиқиндиларини қайта ишловчи ярим автомат, ипак пайпоқ тўқиладиган ҳўзилувчи тола ишлаб чиқариш ускунаси, йигирув машинасига тормозлаш мосламаси, тўқув дастгоҳида ипак узилганини кўрсатувчи автомат, газлама гулларининг ўнгиб кетмаслигига доир ўнлаб муҳим нашфиётлар мана шу ерда инод қилинди ва булар ишлаб чиқаришга таъбиқ этилди. Бу янгиликларни яратишда техника фанлари кандидатлари Б. Хамнов, А. Абрамов, аспирантлар Н. Хохлов, М. Абрамов, Е. Ли, лаборатория бошлиқлари М. Ниёзалиев, Р. Охунбоев, П. Севостьянов сингари илмий ходимлар ва тажрибали ипакчилар самарали меҳнат қилдилар.


Коллектив ҳамон қизгин ижодий изланишда. Шу кунларда тола пухталигини таъминлайдиган мослама, синтетик толани ипакка қўшиб ўрайдиган мослама ҳамда таномиллаштирилган янги тажриба аппаратлари тайёрлаб, синаб нўриляпти. Булар ишга туширилган, давлатимиз неча юз минг сўм фойда олади. Биргина ипакка синтетик ил қўшиб тўқилганда ҳар минг метр қонатласдан бир ярим минг сўм фойда олинганини айтиш kif-фоя.

Кўзни қамаштирувчи Марғилон атласи жаҳоннинг қаериди эътиозланмайди дейсиз! Унинг нафислиги, пухталлиги ва серкилликда институт инодий ходимларининг қўли, катта хизматли бор.

Х. УМАРОВ.

Марказий Фарғонада ҳар йили неча юзлаб гектар кўрпик ер ўзлаштирилимоқда.
В. ДМИТРИЕВ фотоси.





В. ДМИТРИЕВ фотоси.

Иўлдош СУЛАЙМОНОВ

Қўқон оқшомлари

РЕПОРТАЖ

Оқшом ҳали банорас чопонини эгнига илганича йўқ. Қаёқдан-дир карнай-сурнай овози янграб қолди. Шанба оқшомининг тантаналари бугун қайси маҳаллада? Қўқон шаҳар партия комитети кишиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини уюштириш, одамийлик, меҳру оқибат чўғини ловуллаштиш, келажак эгаларини тарбиялаш масалаларига бағишлаб, маҳаллаларда шанба оқшомлари ўтказиётганини эсладим.

Қўқонликлар маҳаллаларда шанба оқшомлари ўтказишни одат қилдилар. Бу маросимни ўтказиш ҳуқуқи осонликча берилмайди, буни ойма-ой, фаслма-фасл курашиб қўлга киритилади. Унга эришишнинг ўз йўли, шартлари бор. Масалан, шанба оқшомини ўтказиш учун аввало, маҳалла кўчалари, хонадонлари озода тутилиши, кўналамзорлаштирилиши, қолаверса, маҳаллада безорилик, арақхўрликка барҳам берилган бўлиши, аҳоли шаҳар ободлигида, жамоат ишларида фаол қатнашиб туриш шарт. Маҳаллада шанба оқшомни ўтказишдан олдин бу шартларнинг қандай бажарилганини жамоат ташиқлотларининг вакиллари кўриб чиқадилар, шундан кейингина тантаналарга фотиха берилади. Шаҳарга ўтган сафар келганимда бу шарафга Исфарагузар аҳли эришган экан.

— Бугун гузаримизда тўй, — деган эди ўшанда ўрта буй, истараси иссиқ, нозик таъб ҳамроҳимиз. Исфарагузарлик Ҳамзахон Қодиров. — Маҳалламнинг шанба оқшоми «Оталар — фахримиз» деган мавзуда ўтказил-япти.

Одамлар оқимига қўшилиб, Исфарагузарга ошиққанмиз. Ҳамманинг ўша тарафга шопилиши, баралла эшитилаётган қўшиқлар вужудимизни жимирлатарди. Гузарга бутун шаҳар кўчиб келгандай... Айлана столларда, тўшалган сўриларда ноз-неъмат тўла дастурхонлар тuzалган. Ҳайин-кулги авжида. Дастурхонлар теварагида қариялар, нуроний онахонлар, шаҳар раҳбарлари, узоқ-яқиндан ташриф буюрган меҳмонлар, ёшлар, санъаткорлар... Бирдан говур-гувур кўтарилди.

- Келишяпти! Келишяпти!
- Кимлар?
- Танимаясизми?

Вожаб, гузарнинг Муқимий кўчасидан мавлоно Муқимий чиқиб келди. Енида шоир Фурқат. Унинг лабларида хиёл табассум. Қарсақлар босилмасдан Ҳамза кўчасидан келатган Ҳамза Ҳакимзодага кўзимиз тушди. Бу оқшомни ҳақиқатта айланган эртакка ўхшатиш келади. Олқишлар, хитоблар бутун гузарни бошга кўтарди. Кейин — ҳаяжонли сукунат. Кўзлар шоирлар даврасига қадалган. Хуштаъб шоиримиз Чархий домла ҳам шоғирдлари билан ўша давралда.

— Маҳалла шон-шухратини ҳар бир киши ҳамиша муқаддас тутади. — дейди маҳалла комитетининг раиси Маҳмуджон Аҳмедов. — Ота-боболаримиздан мерос қолган бу шухрат — ҳалоллик, покизалик, меҳнатсеварлик, баланд ҳиммат, меҳр-оқибат...

Нотиқ маҳалла комитетининг ишлари, овозалик учун курашаётган ки-

шилар, қобил фарзанд ўстираётган оилалар, кенг қанот ёйган янгича ва қадимий урф-одатлар ҳақида тўлқинланиб сўзлайди. Муқимий (Ўзбекистон ССР халқ артисти Занжирала Мирзатов), Фурқат (артист Ҳаётхон Маҳмудов) мана шу кўчаларнинг, мана шу гузарнинг бир вақтлардаги аҳволи ва ҳайратда қолдирган бугунги ҳақида сўзладилар. Мушоарани қизтидилар. Ҳамза Ҳакимзоданги отанин нутқи дилларга сизиб кирди. Шу гузарда турғилиб, шу ердан учирма бўлган, СССР халқ артисти Наби Раҳимовнинг гоёт самимий сўзи, ичак узди ҳазил-мутоғбаси, шоир Чархий ўқиган нозик таъб шеърлар оқшом фойизга-фойиз қўшди.

Мушоара, қўшиқ, рафс, қизиқчилик, аския бир-бирига тилла занжирдай ҳалқалади. Аскиячилар отахони Ижроқўм бува, Гойиб ана, шоғирдлари Расул қори, Иўлдошхон, Солижонлар ҳаммага қаҳқаҳа улашди.

Шаҳар партия комитетининг вакили маҳалланинг бир гуруҳ активларига, ҳурматли ота-оналарга шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг фахрий ёрлигини топширди. Оқшомда энг ҳурматли ва мўътабар кишилар — ниқилобчи Мелибой Абдуллаев, Қўқонда социалистик маърифат чирогини илк бор ёққанлардан бири. 3-мактаб ўқитувчиси, Социалистик Меҳнат Қахрамони Юсуф Усмонов, ўқитувчи Мирсанб Муҳаммадиев, СССР халқ артисти Наби Раҳимов ва шоир Чархийга тўн, дўппи кийгизилди.

Ширин ўтириш ҳамон авжида. Дастурхондаги ноз-неъматлар янгилаб турилибди. Тоамлар тортиляпти. Одам ҳеч ерга сигмайди. Қобил фарзандлар ўстирган мўътабар қария Охунжон Қодиров оила, ота-она ва фарзанд бурчи хусусида кўп яхши, ибратли суҳбат бошлади. Унинг «отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» деган сўзлари ҳамон қўлогимда жаранглаб турибди. Умрининг кўпини муаллимликда ўтказган отанинг фарзандлари — Ҳалимхон савдо ходими, Сонияхон — муаллима, Ҳамзахон — нон комбинати директорининг ўринбосари, Ибохон — врач, Дилбархон — педагогика институтининг студенти, Ахроржон — аълочи ўқувчи. Уларнинг юриш-туришларига, одоб-ахлоқига катта-кичикнинг ҳаваси келади. Ажойиб фарзандлари, минглаб шоғирдлари туйфали Охунжон отанинг мўътабар номи ҳар кун эсланади, дил тўрида эъзозланади.

Одамгарчилик, бошқалар ташвишини ўз ташвиши деб билиш, очқў кўнгиллик, самимийлик таронаси бўлиб янграган шанба оқшоми алламаҳалгача давом этди. Маҳалла бадий ҳаваскорлари, Ҳамза Ҳакимзода номидаги Қўқон шаҳар драма театри ижодий коллективи, шаҳар халқ театри талантларининг тарафма-тариф чиқишлари бу оқшомни тонгга таштирмоқчидай эди...

Қўқон оқшомлари — ана шундай дилбар оқшомлар, бошқа гузар ва маҳаллаларга ҳам ясан-тусан, ширин табассум билан кириб боряпти. Бу хил оромбахш, ибратомуз сайллар бошқа шаҳар ва қишлоқларга ҳам кириб боршига ишончимиз комил.

Кўча анорининг дозруги бутун мамлакатга таралган.



ВОДИЙНИНГ БОШ МИРОБИ

БИРИНЧИ МУХБИР

НОВЕЛЛА

Қувалик Холихон Тожиқ

Якшанба кунни қишлоғимизга бориб, бир янгил қолдим. Октябрь маҳалласида қишлоқ музейи очилган. Дастлаб Ғани қори ўғли Турғунбой шу оғочда ёзиб кўйилибди. Чап томонда кўчонарава шотисида бошча, тизгин, қоринбоғларигача бор. Филдирак гупча рангнинг араваси, ўзи ўн йил минган» деб ёзилибди.

Ичкаридаги катта залда яқин ўтмишдаги иш қўлашлари, миллий кийимлар... Бу ерда Қўчқор бел Фарғона канали нурилишида иш берган пеш кетмоқчи милабахши олиб келиб топширган қора чироқча нинг ўтмиши кўзгудагидек акс этибди.

Иккинчи қаватдаги ён деворда жингалак сочлари кўйилган, шахло кўзлари тик боққан, оқ кўйлагини жуда ярашган қизнинг портрети. Енидаги кўк каришмишда чиққан газеталардан қийиб олинган мақола. Портретнинг чап ёғида қора булутли осмон, ҳовша рангдаги паҳса девор муюлишида ярми чиқиб турган. Бу тош қип-қизил. Ундан сал нарироқда қишлоқ мошини. Нима гап ўзи? Бу қиз ним? Нима учун ўн тўққиз сўлган?! Ҳа, бу муҳқиш воқеа ҳали-ҳали ҳамқишлоқ титратади.

Биринчи фарзанди қиз бўлганидан Мадазим тасавури деб кутди; қиз туғилди. Ота хурсанд ҳам, ҳа Худонинг бергани деб қўя қолди. Отини Чўлпоний қиз шўх, айтганидан қайтмайдиган қиз бўлиб етишди. Қиз бўлиб Самарқандга ўқишга кетди.

Мадазим тоға ўша йили олти қўйни ҳайдаганич ўша бўйи дом-дараксиз кетди. Жаҳон хола катта қизнинг ҳовлида қолди.

Чўлпоний Самарқандда саводини чиқариб, қишлоқ ҳалланинг эсни маҷити рўпарасидаги Оқ бино деган очиб, қишлоқ болаларини ўқита бошлади. Кечқурун сабоқ берди. Орадан ярим йил ўтмай ҳамма уни мутахассис бошлади. Қишлоқда унинг ҳурмати ошди. Аммо панжурганлар ҳам йўқ эмасди...

Шу орада районда «Колхоз йўли» газетаси чиқарилишида саҳифаларида кўпинча диндорлар, колхоз тазуми дунёда қизлар озодлигига тўғаноқ солувчи шахслар қош эт



ТЕЖАМЛИЛИК


Бу йил ҳамма коллективлар ўз ишларини иқтисод ва тежамлилик шиори остида бошладилар. Инсон меҳнатига буюк ҳурмат билдирувчи бу шиор Совет ҳокимияти билан саробар тугилган эди. В. И. Ленин 1918 йилдаёқ чул ва хўжалик ҳисоботида пишқи, ҳалол ва тежамли бўлиш — бизнинг муҳим шиоримиздир, деб таълим берди. Ушандан бери иқтисод ва тежамлилик барча ишлаб чиқариш коллективлари учун яхши анъана бўлиб қолди. КПСР Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларида фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида иқтисод режимини кучайтириш тўғрисида»ги хати мана шу олижаноб анъанани яна бир эслатдики, халқимиз бу тарихий ҳужжатни маъқуллаб кутиб олди.

Гап инсон меҳнатини қадрлаш ҳақида кетяпти. Бу гуманистик иқтидор тузумимизнинг табиатидан келиб чиқади. Партиямиз Марказий Комитетининг декабрь Пленумида айтилганидек, меҳнат ҳаракати ва унинг самараси доим муносиб бўлиши, сарф қилинган сўм фойдаси билан қайтиб келиши керак. Ишлаб чиқариш миқдоси мислсиз кенг бўлган бизнинг буюк мамлакатимизда бу жуда катта резерв. Чунки, бордю атиги биргина процент пўлат тежалса, бу — миллионлаб тонна пўлат деган сўз, биргина процент электр қуввати тежалса, бу — бизнинг беопен мамлакатимизда бир неча миллиард киловатт-соат деган сўз!

Тежамлилик шиори юсак ахлоқ қондаларимизга ҳам монанддир. Хар минут вақтнинг қадрига етган одамларимиз учун атрофида эгасизлик, исрофгарчилик ҳолларини, ёки ёнида прогучли ва интизомсиз одамни кўриш қаттиқ алам қилади. Биз давлат, жамият ва шахс манфаатларининг бирлигини ҳар қадамда сезиб тураимиз. Ишчига вақт қанчалик — давлат унинг азиз вақтини тежаш учун техника прогрессига зўр беради. Халқ фаровонликка интилади, давлат дадил реформаларни амалга ошириб, хўжаликка саховат билан катта маблағлар сарф қилади. Шунинг учун, бошқа катта ишларимиз сингари, иқтисод ва тежамлилик ҳам умумхалқ иши, давлат иши, ҳар биримизнинг шахсий ишимиз. Хом ашё, буюм, пул, материал, ёнилги, машина, электр қуввати, маҳсулотни тежаб-тергаш билан биз ўз меҳнатимизни эъозлаймиз, ўз фаровонлигимизни ошираимиз.

Фаровонлик билан тежамлилик бир-бирига зид эмас, аксинча, иккаласи ҳам социалистик ҳаётимизнинг принципи, тенденцияси. Чунки биз бегона учун, эксплуататорлар учун эмас, ўзимиз учун, ўз совет авлодимиз учун, ўз порлоқ келажакимиз учун меҳнат қиламиз.

Тежамлилик бизнинг олий ҳимматлигимизга ҳам зид эмас. Эртага сўмга айланган тийинни бугун тежаб ўтириш — тежамлиликка кирмайди, бу ҳасисликдир. Маҳсулот сифатига, одамлар манфаатига путур етказадиган тежамлилик бизга ёт. Бу борада халқимиз ҳақиқий саховат тарафдори. Давлатимиз халқ фаровонлиги учун ҳеч қандай маблағни аямайди. Бизнинг бюджетларимиз жаҳонда энг инсонпарвар, тинчликбоп, иқод ва фаровонлик бюджетларидир.



Пахтазор

ГАШТИ

Олис уфқларнинг
Мармар чизиги
Мовий пахтазорим
Этаги монанд.
Ловулдаб турса ҳам
Кўёш қизиги,
Дехқон юраклари
Далага пайванд.
Дала...

Ғўзаларнинг
Кўйлаги кўм-кўк,
Барқ урар,
бахмалдай

Товланар нурда.
Шоналар ловуллар —
Яллаганган чўғ,
Оқ олтин пишмоқда
Меҳр қўрида.
Ошноқ яхтак кийган
Дехқон — далада
Денгизда елкадек
Елпиниб юрар.
Ҳар ғўза меҳрини
Тортар боладай,
Ҳар ғўза қошида
Тўлғаниб турар.
Ҳар япроқ гардинни
Артар авайлаб,
Ҳар шохни авайлаб
Тургазиб қўяр.
Ер тиккан қийиқ-ла
Бошини боғлаб,
Меҳнат қилган сари
Бир лаззат туяр.
Ғўзалар,

ғўзалар,
Қатор ғўзалар...
Серкиллаб ёнишни
Асло қўймайди.
Бўй-баста осмонга
Қадар чўзилар,
Осмондай бағрида
Зиё ўйнайди.
Ғўзалар кўклиги
Осмондай тиниқ,
Ез кўки сингари
Мовий, мусаффо.
Олис уфқларда
Яшил бир чизиқ,
Яшилдир бу олам,
Яшилдир ҳаво!
Олтинга тўлади
Водий кучоғи,
Тоғ-тоғ қад кўрсатар
Оқ олтин хирмон.
Шундан гурламоқда
Езининг ўчоғи,
Шундан бери келмас
Даладан дехқон.
Шундан дехқон қалби
Боладек яйрар,
Шундан чехрасидан
Аримас ханда.
Шундан қувонч билан
Уфққа қарар:
Олтин кўёш ёнар
Худди хирмонда!




Ишга.

Рассом В. БОБОЕВ асарларидан намуналар:

Фурқатнинг видолашуви.



Риштов кулларни.
(Уста Мусо Исмоилов.)



АФСОНАГА АЙЛАНГАН ҲАЁТ

ИГИРМА ТҶРТИНЧИ ИИЛ. Москванинг Большой театри. Комсомолнинг олтинчи съезди президиумида юзига чачвон тутган аёл ўтирибди. Уни кўрган съезд вакиллари — уторак комсомоллар тоғат қилиб туришолмади:

— Паранжи олиб қўйилсин! Уят! Ахир, лиги замон-ку бу! — бутун зал ва балкондагилар оёқларини дупплатлиб, қичқиршадди.

Паранжи ёнинган аёл бу шовқин-тўполоннинг боисига тушунмасди — рус тилини билмасди. Шу пайт аллакнинг қўли чачвонни кўтарди. Зал жим бў-

либ қолди. Аёл чўчиб кетди, киприкларини пирираб учди. Рўрасида Надежда Константиновна Крупская турарди. У мулоийим жилмайиб, алланима деди, сўнг залга қараб изоҳ берди:

— Паранжи қандай гўзал хуснини шприб турган экан-а!

Ҳамма қарақч чалиб юборди. ИГИРМА БЕШИНЧИ ИИЛ. Россия ерларида тинч меҳнат жараёни бошланган пайт. Аммо Ўзбекистонда ҳамон босмачи шайқалари изгиб юрибди. Қўнлик комсомоллар етакчиси Абдулла Набиев ўддирилади, Турсунов қиймади.

Крупская юзидан чачвонни олган ўзбек қизи бугун агитатор — бошқаларни очилишга даъват қилиб юрибди. Бугун — Фарғонада, эртага — Қўқонда, индига — Бухоро, Хивада... Унинг жонига қасд қилганлар қанча!

УТТИЗИНЧИ ИИЛ. У яна Москвада. Бу гал ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм курсида. Ўқидан қайтгач Фарғона МТСида политотдел бошлиғи. Меҳнат ва кураш. Кўкрагида Ленин ордени — пахта учун, Меҳнат Қизил Байроқ ордени — хотин-қизлар орасида олиб борган сиёсий-тарбиявий ишлари учун.

УТТИЗ БЕШИНЧИ ИИЛ. Чех ёзувчиси, журналисти Юлиус Фучик билан унутилмас учрашу. «Тожиқоннинг

ҳаёт йўли ўзбек хотин-қизлари йўлидир» деб ёзди адиб «Руде Право» газетасида босилган очеркида.

ЭЛЛИК ЕТТИНЧИ ИИЛ. Метин иродали коммуниста шахсий нафақа белгилади. Меҳнат ва курашдан сўнг роҳат-фароғатда яшаш керак. Ажабо, меҳнатсиз, курашсиз ҳузур-ҳаловат борми? «Мени Фарғона водийсидаги энг қолоқ колхоз ё совхозга ишга юборишларингизни сўрайман», — деб арза ёзди Тожиқон.

«Фарғона» боғдорчилик совхози. Номин бор, аммо дарахтар уч йил аввалги совуқда тағ-томнири билан кўриб қолган. Қайта экилганлари эса ҳали ҳосилга кирмаган. Шундай бўлгач, даромад, фойда ҳақида гап бўлиши мумкин эмас...

ОРАДАН ҲН ИИЛ ҲТДИ. «Фарғона»да нималар борлигидан кўра нималар йўқ деб сўраш ўнай. Чунки бу орада шунча кўп, шунча хилма-хил ингиликлар бунёд этилдики, уларни санаб тугаллаш қийин: клуб, чойхона, болалар боғчиси, мактаб, ҳаммом, новхойна... Совхоз ҳар йили олти юз минг сўмдан ортириб соф фойда курапти.

«Уни бугун Фарғона водийсидан топасиз» — деб ёзган эди Юлиус Фучик. ҲТТИЗ беш йил аввал. Ҳа, ҳаёти афсонага айланган опамиз Тожиқон Шодиевани ҳозир ҳам «Фарғона»дан топасиз.

5 май — К. Маркс туғилган кун



ХАЙГЕЙТ ЗИЁРАТИ

Уфида кўёш кўринди. Куз даҳрактларини лангочлаб, барглари аллақачон тўнкан бўлса ҳам, далалар, қирлар, яйловлар ҳали кўм-кўм... Хануз баҳор неэётгандек, эпкин шабнам донларини силкиди; сал сўлгин майсазорлар, сариқ гилам тўшалган ўрмонлар, илиқ тоғ нурида бугунаётган поёнсиз далалар...

Ажойиб тоғ манзараси. Табиат хуснига ҳусн қўшиб балқётган кўёш қалбада ажойиб ҳислар уйғотади.

Тийлбери портдан Лондон томон бормоқдамиз.

— Қаранг-а, қанча масофани босиб ўтибмиз, — сўз бошлади кўпедати ўтирган аёллардан бири.

— Шунинг айтинг! — қўшимча қилди йўлдоши, — ҳали ҳавода, ҳали сувда, ҳали қарабсиз автобусда, мана энди поезда...

— Илгари боболаримиз Москвага олти ой йўл босишар экан. Биз бўлсан Москва билан Лондон оралиғидаги масофани ҳавода уч соатда босиб ўтибмиз.

Кўпедати ўзбек аёлларининг суҳбатига Лондон радиосининг бизга нотаниш шўх музикаси аралашди. Бизни Лондоннинг бир андозада солинган баланд-баланд иморатлари, қадимий тор кўчалари, кўз қамаштирувчи неон рекламалари эмас, ёдгорлик-обидалари, тарихий жойлари қизиқтирар эди. Шунинг учун у ерда аввало Хайгейтга бордик. Кўлдан бери орзу қилган, тарихий китоб ва хотираларда қайта-қайта ўқиганимиз машҳур қабристон, Маркс дафи қилинган Хайгейт тепалиқлари шу.

Хайгейт — англизча балиндлик дегани. Шаҳар чеккасидаги бу тепалиқда қанчадан-қанча улуг зотлар, саркардалар, атоқли хонадонларнинг хилхоналари бор. Унинг атрофи темир панжара билан ўралган.

Баҳайбат темир дарвоза олдида тўхтадик. Ҳар қадамда ҳайналалар ва пешоналарини тириштириб турган полициячилар. Полициячилар, назаримда, чирик буржуа

дунёсини фақат тирик одамлардан эмас, гўё ўлин жонлардан ҳам ҳимол қилгани кўйилган. Ахир, бу ерда бойлик тўплаш учун бутун жаҳонни талаб, инсониятга кишан ва истибод ваъда қилган капитал дунёсига қарши курашга бизни ҳаётини фидо этган улуг зот ётибди. Бу зот шу ердаги дабдалаи ҳайқаллар, ажойиб мрамр тош остида ётган ҳамма «азиз-авлиёлар» ичидагина эмас, тарихда энг улуг сиймо, энг буюк инсон, энг исёнкор қалб, энг жўшқин инқилобчи, энг доно файласуф. У яратган таълимот бутун дунёда тантана қилмоқда. Коммунизм энди шарпа эмас, балки ойдан ҳақиқатдир.

Жондан азиз бўлган шу одамнинг мақбараси ёнидан ўтиб борар эканман, улғувор сунут қалбимга сиймаётгандай. Лекин бу ерда кўп туриш мумкин эмас. Одамлар тўлқини шоширади. Мен бу табарруқ жойнинг тупроғини кўзимга суртишга ҳам улғуролмадим. Бу ердан тинмай оқиб турган одамлар дарёсига мен ҳам бир зарра бўлиб қўшилдим. Муборан мрамр тошларга урилаётган тўлқинлар орасида мен ҳам борман...

Бир вақтлар Манкага борган сайёҳлар муқаддас сув олиб қайтганлар. Мен эса бу ердан Ватанимга қалбим кучга тўлиб, кўнглим таскин толиб қайтаман, ўзимни Маркс қабрини зиёрат қилган одамлар дарёсига муқаддас қатрадек сезаман. Чунки бу ерга қадам қўйган миллионлаб одамлар Маркс таълимотининг сарчасмаларидан сув ичганлар. Бу — коммунизмга олиб борувчи жўшқин наҳр. Бу наҳр доим тўлқинлиб турган куч — марксизм чашмасидир. Шу бўлоқдан сув ичганлар бир вақт кичик ирмоқни ташкил қилган бўлса, эндиликда у кудратли денгизга айланган. Бу денгиз тоққини инсонга тўсиқ бўлиб турган говларни уриб, парчалаб, суғуриб ташламоқда.

Хайгейт қабристонини натта бир майдон. Унда сон-саноксиз қабрлар бор. Кўп қабрлар устига ноёб, қимматбаҳо ёдгорликлар қўйилган. Айримлари эса ўзининг гўзал санъати билан диққатга лойиқ. Лекин одамлар бу кўркам қабрларни зиёрат қилгани нелмаганлар, жозибадор мрамр тошлар музейи уларнинг эътиборини жалб қилаётгани йўқ. Улар дунё-

да битмас-туганмас маънавий бойлик қолдирган, жаҳондан жаҳонлар туғдирган, кишилик жамияти тарихида яна бир дунё — озолик дунёсининг саҳифасини очган, йўқсиллар дунёсининг бахти-истиқболи, нелақанини олдиндан белгилаб берган улуг бир сиймо қабри сари интилоқлардан. Англия коммунистлари бу одам хотираси учун унча натта бўлмаган ҳайнал ўрнатганлар. Ҳайнал остонаси гулчамбарлар билан қўмиб ташланган. Мармарда Маркснинг «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган машҳур сўзлари ёзиб қўйилган. Бу сўзлар энди улкан бир байроққа айландики, бу байроқ теварағида миллион-миллион кишилар жипслашган.

Боболаримиз, агар кўзингни шира босиб қолса, қабристонни зиёрат қил, деганлар. Бу гапнинг илдииз чуқур. Қабристондан ўта туриб, ҳар бир киши ўзининг қилган йўлига назар ташлайди. Қилган ишларини чамалаб, таразу палласига солиб кўради. Узи нечирган ҳаётга ачинмаслик учун, уни сермазум, хайрли қилиш учун режалар тўзади. Буларнинг ҳаммаси эса яхши одамнинг шарофатидир. Яхши одам ҳамма вақт ҳаётда иш қолдирди. Ҳатто унинг қабри ёнидан ўтганда ҳам инсон босида яхши ниятлар, пок туйғулар, қайноқ ҳислар уйғонади. Одамлар унинг руҳидан куч-куват, ҳаётга яхши йўлланма оладилар. Ҳа, у шундай буюк намуна, табарруқ зот. Меҳнатшоналар «Капитал»ни яратган доҳий. Унга ҳавас қилинг, эътиқод қилинг, инсонлар! У яратган таълимот том маъноси билан баъоратдир. Бугун бутун илгор кишилик бу таълимотнинг буюк давомчиси В. И. Ленин 100 йилгини байрам қилмоқда. Ленинизмнинг тантанаси — Маркснинг барҳайтидир!

Тўғон ЭРНАЗАРОВ,
тарих фанлари доктори

Тўхтаҳон аянинг бош боласи Абдулҳақ тўнғич қизи Ҳалима қўша фарзанд кўрганда ҳам бўйдоқ эди. Олий маълумот олгани камден аспирантликна ҳам кирган экан, бунни эшитган ая «шу киши чиқиб уйланасан», деб туриб олди. Ушанда Хатираси қилиб қўйган ишни қаранг!

Опа-сингил эту тирноқ бўлиб ўсишганидан опаси тушган ҳовлига Хатира кунда, кун ора қатнардди. Фотима билан Зухра тугилганда ҳафталаб қолиб кетадиган бўлди. Қизалоқларни бир йилча ўзи ортоқлаб боқди. Опаси тугибоқ илашган дарддан ўнгла-нолмай, ахири йиқилди. Унинг ўлими ҳаммани ўртади, уй ичини эсанкиратиб қўйди.

Муҳиддин почча билан қудда хола бошларини қаёқча уришни билмай қолишганда дунёнинг ишидан беҳабар гўдаклар холачаси бағрида қийириб яйрашарди. Хатира поччаси хоҳласа унга тегишини техникумдаги аҳдлашиб қўйишган Мўминжонга айтган эди, қўйден ювощ йигит ноҳосдан лаҳча чўғ боғсандек типирчиллаб қолиб, қизиникига югурди. Бетини сидириб, унинг онасига бўлган гапни ҳовлидаёқ тўкиб солди-да:

— Нима қилгани бу қизингизнинг! — деди йиғлагудек бўлиб.

— Вой, мен қаёқдан билай, болам! — дея олди бирдан бунақа гаплардан ҳуши учаётган ая. Кейин эсини йиғиб:

— Қизимнинг инон-ихтиёри ўзида, ўзи билан гаплашинг, — деди. Йиғлаётган хун бўлган Хатира шунда уйдан чиқиб, Мўминжонни бошлаб кириб кетди. Ая кўрса, улар дастурхон атрофида миқ этмай ўтиришибди. Қизи йигитга чой қўйиб узатар, икковни бир-бирига қарамас, нуқул юм-юм йиғлашарди...

Қиз бола бўлса ҳам онадай меҳр қўйиб қолган экан-да, гўдаклар ўғай онага қолишини ўйлаганда нақ ўтден ёнарди. Қизалоқларга она бўлдию, тинчиди. «Сизга ҳали кўп қиз чиқади, буларга она топилмайди» дебди Мўминжонга. «Мен ҳам сиздақасини тополмайман» деб, пешонасига шартта урганича йиғлаб чиқиб кетибди йигит. Ая уни ҳали ҳам уйланимаган, деб эшитди. Ният қилган бўлса ҳам, кейинги беш қизидан бирортасини ўшага чикаролмади. Уртанчалари Хадича, Хабира, Ҳафиза, кенжалари Раъно билан Найма «гаплашиб юрган»лари бор экан, ўшаларга тегиб-тегиб кетишди. Тагин экан одамнинг ичидасини ним билди дейсиз. Ая Мўминжоннинг дунёдан «кўзи очик» ўтаётганига, қизининг бундоқ бўлиб қичқанига Абдулҳақ ҳам сабабчи, дерди. Бўлмаса ҳали сочи намаландан чиқмаган учинчиси-тўртинчи синф боласини томошаларга олиб борадимиз! Бир кун қайси бир Зафарийнинг «Ҳалима» деган томошасига олиб боришти. Қиз бечора ўшанда бир ҳафта йиғласа бўладимиз. Уша-ўша Ҳалима опаси деса ўзини томдан ташлаб, тўй, сурнай деса безилар эди. Ая кейин билса, қизининг бошида бунақа гаплар бор экан.

Абдулҳақ Мўминжондан натта, хийла эслик йиғит эди. Келин кўриш алга ҳам «насиб қилмаган» эканми, ўша кези ўглини ҳарбийга олиб қўйишди. Қайтар муддати тугамасдан уруш бошла-



УРУШДАН ҚАЙТМАГАН ҲАҚИ

ниб қолиб, қўша-қўша медаль тақиб тушган сурати билан келган бир хатидан кейин на хабари келди, на ўзи. Унинг хатларини сингиллари талашиб кетиб, алда биттагинаси қолган эди.

Шу ҳаёллар оғушида ая чойни аста чайқалтириб ҳўплар эди, пивласида тик туриб қолган шамга кўзи тушди. «Им нелар экан? Абдулҳақ бўлса-я», деганини билди, бирдан кўча зшиғи тақиллаб юрдию. Муздек тер босиб, бўздек оқариб кетди ая. Кейинги тақиллашида қандай бориб очганини билмайди. Оёғига ўзини ташлай деб турса, Хатирасининг кенжатоий Нозима экан. Қиз юзидига жилмайиш зумда сўниб, галати тикилганча:

— Тузунмисиз, буви? — деди.

— Шунур. Кираноқ, болам.

— Ҳозир уйғондигизми, босин-қирабсизми?

— Йўқ. Ҳазим, шундай. Тузукман, болам, — дерди ая ўзини ўнглашга тиришиб.

— Бугун бизникига борар экансиз, хоаларим ҳам нелишади, —

деди Нозима. Ая қараса, набираси шу гапни айтиб чиқиб кетаверадиган. Эшиқдан бир тўда қизлар чугури келпти. Уйга кириб, ўша биттагина хатни олиб чиқиди: — Ҳўй бергин, кейин кетсанг майли, — деди. Нозима бу хатни беш йилдан бери ўқийди. Ед бўлиб кетганидан уни очар-очмас ўқийверди. Хатга «Айтмоқчи, қичқан журналларни йиғиб бориңлар», жумласи илова қилинган эди, ая:

— Журналларни нима қиларман? — деди.

— Керак бўлади, дегандирларда. Олим бўлаётган эканларну, битта нитоблари босилиб ҳам чиққан экан, — деди Нозима қичиб кетаётди йўл-йўланай.

Хатининг аввалги неча-неча ўқиши пайтида эсига келган бошқа гапларни ая меридадан сирингача сўроқлаб, билиб олган. Ҳозир шуларни кўнглидан яна бир-бир ўтназгиси келиб, ўгли билан хати орқали гаплашди:

— Соғ-саломат юрибман. Сизларнинг ҳам...»

— Айтганинг рост бўлсин. Бараналла, болам.

«— Ун бешинчи майда юборган посилкаларингизни бир ой деганда олдим».

— Намунча? У ёқининг почтаси ёмон ишлар эканми?

«— Пулни ҳам қўйган ерингиздан топиб олдим. Раҳмат».

— Қавиб тикувдим шу тугмали сербаргина камарни. Ичига қзтиб қўйилган уч юз сўмини топибсан, хайрият. Ичиндан белиннга маҳкам боғлаб олгин, югурганингда юрагинг узилмайди.

«— Менга посилла юборманглар. Юборган пулинларни ўзи бўлади. Оворагарчилигинг кераги йўқ».

— Вой болам, нега юборманглар дейсан. Оворагарчилиги бор эканми? Моғорлаб бузилган бўлса, қиймали чўзма бузилгандир. Сухари, ёнғоқ, мағиз, кўрт, мурч омон етгандир. Қарам шўрвани мўл-мўл мурчлаб ич, совуғинг ошиб кетмасин. Нина билан оқнора галтан ип ҳам солиб юбордимни, тугма-пугманг узилиб, юлини-юлиқинсанг кўзинг зор уйнамай тикиб олгин деб, жон болам.

«— Бундан аввал ҳам уч-тўрт хат ёзган эдим, бориб тегдимни, йўқми? Бир ойма бўлди, ҳеч қандай хат-хабар олмайман. Еки ёзишдан чарчаб қолдингларми? Эринмай, тез-тез ёзиб туриңлар».

— Вой, ҳаммасини олиб турибмиз, шуни ҳам ўйлайсанми? Бизларни қўявер, тирикмиз, ҳаммамиз милтиқнинг ўқидек юрибмиз. Бир чақиртиргин, болам, ўтган-

кетганларни ҳам айтиб бериб, ўзингни кўриб келамиз.

«— Барча сингилларимга ва мени сўраганларга тугамас салом».

— Раҳмат.

«— Бу ерда ҳеч қандай ўзгаришлар йўқ. Ҳаммаси эскича».

— Ҳазир йўқ, эскича, деб гафлатда юрган эканми, болам. Уша кўзи бено алаисти юртимиз остонасига кўр тўкиб ётган эканку. (Шу хат келган кунни радио уруш бошланганини билдиргани аянинг эсида). Ило ўшанинг домига тўшагин.

«— Меҳрибон ўғлингиз Абдулҳақ». Шу ерга келганда гўё девор ортдан келиб турган таниш овоз бирдан тинди.

— Меҳрибоним, қаёқларда юрибсан? — деди ая йиғлаб, — Немисдан уялланган бўлсанг ҳам, бошинг омон бўлсин, тез келалоқ. Кўзим очигида яна бир кўрай дийдорингни. (Абдулҳақ ҳақида «бебарак йўқолди», деган гапдан бошқа хабар келмаганидан «кўз олдида соғ кетган» ўглига аза



БИР НОМДА ИККИ ҚИШЛОҚ

Бу икки қишлоқ бир-бирдан жуда олдига эди, бири — Белоруссияда, иккинчиси — Ўзбекистонда. Икки қишлоқ аҳолиси бир-бири тўғрисида тасаввурга эга эмас. Уларни Улуғ Ватан уруши бир-бирларига танитди.

Белоруссия ўрмонларида немис фашистларига қарши партизанлар ҳаракати авж олди. Улар орасида турли миллат кишилари белоруслар билан елкама-елка туриб курашди. Ўзбек йиғити Мамадали Топиболдиев ўз ботирлиги, доворақлиги билан ном қозонди. У қатнашган операцияларда немислар ҳамisha катта талафот кўрарди. Партизанлар бу «қора йиғит»га Қазбек деб ном қўйдилар. Қазбекнинг доврўғи немис қўмондонлиғи қўлогига ҳам етди. Жасур партизаннинг боши учун эллик минг немис марнаси ваъда қилинди. Бироқ Мамадали немисларга ва уларнинг ҳарбий аъжолларига қирон келтираверди, сира қўлга тушмади. Унга Совет Иттифоқи Қахрамони унвони берилди. Белоруссия партия ва совет ташкилоти Мамадали Топиболдиевнинг хизматларини назарда тутиб, култепалар ўрнида қайта тикланган қишлоқлардан бирини Топиболдиевқа деб аташга қарор қилди. Шундан кейин бу қишлоқ бутун Ўзбекистон халқига яқин ва азиз бўлиб қолди.

Улуғ Ватан уруши галаба билан тугади, Мамадали туғилган қишлоғи — Зоҳидонга қайтди. Зоҳидон Фарғона-

нинг қадимий қишлоқларидан бўлиб, эгри-бугри кўчалар, гувала уйлардан иборат эди. «Коммунизм» колхози уруш тўғрисида қишлоқ хўжаликка айланиб қолган эди. Қахрамони Йиғитни Зоҳидон аҳли қувонч билан кутиб олди. Уни колхозга раис қилиб кўтардилар. Иил ўтган сайин Зоҳидон янги қиёфага кира бошлади. Янги коммунистик турмуш нишонлари тобора кўпроқ томир отди. Мактаб биноси қурилди, боғча-ясилар очилди, магазин, ҳаммом, сартарошхоналар ишга туширилди. Текис, раvon йўллар қилиниб, икки четига дангиллама оқ уйлар солинди. Зоҳидон — асрлар давомида ўзгармай келган лой кўчалардан, девор уйлардан, қора чироқлардан қутулди — «Коммунизм» посёлкаси вужудга келди.

Бу улкан ўзгаришга Совет Иттифоқи Қахрамони Мамадали Топиболдиев бошқоқ бўлди. Белоруссия ерларида қўрсатган жасоратини она қишлоғида яна бир қарра намойиш қилди.

Ажаб, неча йил урушда ўқ ёмғирлари остида омон қолган Қахрамон кўнлмаганда бир номардининг йиқоқ тўғидан ҳалок бўлди. Халқ азиз фарзандини тупроққа берди, ammo унинг номини боши узра кўтарди, янги Зоҳидоннинг унинг номи билан атади.

Белоруссиядаги Топиболдиевқа қишлоғи эгизак бўлди. Фарғона областида яна бир Топиболдиев қишлоғи бизга хотира бўлиб қолди.

очишга сира қўнгли бўлмади аянинг). Оғир ҳаёллари сал ёзилди, ҳовлига чиққанида кўчадан трамвайнинг ҳамма ёқни зириллатган залварли гувури келди. Шу кўчага аянинг ҳовлисида анчаси тушиб, қизлари «бўлар энди, бизникида турақолинг», дейишса ҳам, ая «ўғлим келиб қолса нима дейди» деб, ундан жилишга унамас, меҳмонга борганида ҳам тунаб қолмай, дарров уйига чопар эди.

Қизиникига отланиб, трамвайга ўтирганида ҳаёли паришон эди аянинг. Трамвай энди жилиб, тезлаётганида кўчани илдам кесиб ўтаётган бир одам «Абдулҳақ келдимми?» деб, қўли билан алға ҳовли томонни кўрсатгандек бўлди. Ая шом қоронғусида уни шу маҳаллалик Зокир доврўғига ўхшатди. У «келдимми» дедими, «келувдимми» дедими, бунни тузуқ англолмади. Қизининг тумонат одам йиғилган катта ҳовлисига кириб борганида ҳам шу ҳалжонли муаммо уни ўз ҳолига қўймасди.

Кўёви кенжа ўғлининг именинасига бирталай одам айтибди, шунинг довғаси экан. Ая келиши билан эркак-аёл шовқинлашиб, уни қандил нуридан қарогон меҳмонхона тўрига олишди. Ким қўлидан тугунчасини олган, ким намзулини ечган, биров стулга кўрпача тўшаб берган. Ҳамма ўрнашиб, шу ўтириш «айбодори» шаънига энди бир-икки гап айтилганда эри билан кирган Наима пойгадан онасига кўзи тушиб:

— Вой, шу ерда экансиз-ку, ойи,— деди.— Ҳали трамвайда уйингизнинг чирогини кўриб, сизни кириб олиб кетайлик, деб юрибмиз. Қарасан, бу ёққа чечинақдиганмиз. Тагин Хатира олам қониғимизни ичмасинлар, дедик.


Бу гапга гурра кулги бўлди. Шу онда алланарса тарақлаб кетиб, ҳамма қаттиқ чўчиб тушди. Кейин «Оҳ!» деган нола эшитилди. Уридан туриб нетган ая қўй-

лакчанг, пайпоқчанг ўзини эшикка уриб, ҳовлига тушиб олган, ўнг-терсига боқмай кўча эшигига қараб борарди. Хатира, Наима ва унинг эри орқасидан чиққанда ая кўчада телбаларден югурарди. Учовлари базўр тутиб, таксида уйига олиб боришди. Машинадан туша солиб эшикка етар-етмас:

— Абдулҳа-ақ! Абдулҳа-ақ! Абдулҳа-ақ! — деб ўкирди ая. Эшикка ўзини урган эди, очилмади. Шошиб қолган уч ёш калитга ҳам қаноат қилмай, эшикни тепнилаб очилди. Чироқ ёниб турган уйга ҳамма бирдан кирди. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Ая юрсакларни эзиб юборадиган аллақандай ички фиғон билан «Абдулҳа-ақ, Абдулҳа-ақ, Абдулҳа-ақ» деганича ҳолдан тойиб ўтириб қолди...

Наима эри билан кетиб, Хатира «яна бирпас бирга бўлай» деб қолган эди, ая: «сен ҳам борақол энди, меҳмонларингни кут, болам», деганидан кейин онасининг руҳи ёришганини кўриб, у ҳам жўнаб кетди. Елғиз қолган ая ўрик тўнкага бориб ўтирди. Абдулҳақнинг бир маҳаллар шу ўринни қорқиб берганларини, кейин ундан томга туршак солишганларигача бир-бир қўнглидан кечирди. Раҳматли Собир دادаси ҳар гал «туршак шарват — меъдага қувват» деса ҳам, Абдулҳақ унча хушламай, «кенсаларнинг хўраги бу», деб қўярди. Шу ўрик, уч йил бўлди — кўриди. Қўни-қўшни «қуриган дарракт хунуқ бўлади» дегандан кейин ўтган йили кесиб ўтин қилишди. Уайдан ҳам етти саржин ўтин тушди, ёққан билан қимир этай деймайди. Тўнкаси ҳали кавалланмаган, ҳовлидан бир бўйра жой олиб ётибди. Ая, «ўғлимдан менга қолган шу», дедими, ҳар чечук уни яқин орада кавлатгиси йўқ.

З. РУЗИБОВ расми.



ЯХШИДАН ОТ ҚОЛАДИ

Пири бадавлат

Бағдод районининг Болғали қишлоғида Тоштемир ота Қаландаровни ҳамма танийди, иззат қилади. Ҳозирги «Победа» колхозини тўзган, унга бош-қош бўлган ҳам отанин ўзи. Энди бой-бадавлат колхозни ёшлар бошқаряпти. Қишлоқ аҳли отани тантана билан дам олишга узапти. Ленин у пенсияга чиқишини фароғат деб билади.

Ота яқинда бир қиммат кўрсатди: узоқ йиллар жамғариб юрган сармоясини чамалаб кўрди-да, бир қисмини ўзи ва фарзандлари истиқомат қилаётган қишлоқ ободончилиги учун сарфлади. Йўллари текислатди, қишда лой, ёзда чанг бўладиган кўчаларга шағал ётқизди. У ҳар кунни колхозга бирор фойдам тегса, деган ширин ташвиши билан яшайди.

Неъмат РАУФЖОНОВ,
Мелиқўзи ЗНЕЕВ.

ҒАЛАБА САДОЛАРИ

Тун. Кундалик фронт ҳаёти. Онда-сонда пулемёт овози эшитилди, ракета отилиб, атрофини чарақлатади-да, нумуш камаландай эгилиб пастга тушади. Разведкани самолётларнинг бири чап қирғоққа бурилиб, Комилов ротаси устидан пастлаб учиб ўтди. Комилов жангчиларини тепалин остига тўпламоқда эди, тепалда яна «фонке-вульф» самолёти пайдо бўлди. Ойдинда унинг темир қорни ва «П» ҳарфига ўхшаш беўхшов думи ялтйллаб кўринди. Артиллерияга мўлжал кўрсатиб берувчи бу немис самолётининг бевақт пайдо бўлиши Комиловни ташвишга солди. «Рама» Дон устига борғач, чиндан ҳам дўнгликлар орқасида устма-уст чақмоқ чақиб, немис артиллерияси тўп ота бошлади. Снарядлар овозидан Комилов уларнинг қаердалигини тахминлаб, немис Донга тўпланаётган кучларимизни сезиб қоялибди, деган хулосага келди. Бунинг учун у нимагадур ўзини айбдордай ҳис қилар, бу ҳис эса багрини баттар тирнарди.

— Бекдан хабар борми?— деб сўради у Мирзадан.

— Ана, унинг одами келяпти...— деди Мирза.

Шу вақт Бекнинг чопари келиб, Комиловга яна ярим соатлик иш қолди, деб хабар берди. Бекнинг йигитлари полк сапёрлари билан бирга гор қавламоқда эди.

Чопар олдинда, Комилов унинг кетида, эмаллашиб гор йўлининг бошига келдилар. Бу ер жарлик эди. Нам, шағал аралаш бўр-тупроқ, Бекнинг йигитлари қолчиқларда тупроқ келтириб тўнмоқда эдилар.

— Тепаликнинг ости шағал экан, навлаш қийин бўлган, — деди қолчигини бўшатган Мусабенов.

— Конвейер қисларининг бўлмайдими?

— Ҳали ҳам шундай қиялпмиз, — Мусабенов енгил билан пешонасини артди. — Нафас бўғилиб қоляпти.

— Сапёрлар қаерда?

— Анави гарам орқасидаги чуқурликда. Улар ҳам кўпуровга тайёр бўлиб Бекнинг буйғурғини кутаяптилар.

Шу чоқ жарлик устида мушак порлади. Теварак-атроф чарақлаб, ҳамма ёқ судан оқариб кетди. Комилов ва унинг шериклари ўзларини тупроқ панасига ташладилар. Мушак учқунлари Комиловнинг ёнига тўкилиб, сўнди. Атрофини яна қоронғилик қоплади. Комиловнинг назарида немислар уларнинг ҳаммасини ёруда кўриб қолгандай эди.

— Ғога киринглар, ҳозир ўнча тутати, — деди у ҳамроҳларига. Ленин немис отишма бошламади, мина ҳам ташламади. Бундан маълум бўлдики, душман уларни кўргани йўқ, мушак улар турган жойга тасодифан тушган экан.

— Вақтни ўтказма, Бек!— деб буюрди Комилов.

Бек ўз одамларини атака жойига жўнатди-да, сапёрларни кўпорлиқ анжомлари билан горга киритиб юборди.

Комилов бу йигитнинг эпчиллигидан, оғир ишни тез удалаганидан мамнун эди. Бу шодлик унга қанот бердики ёки энг масъулиятли дақиқалар куч ато қилди, у эмаллаб ўтирмай буйи борича тик юриб, рота жангчиларининг олдига борди. Жангчилар ҳам лейтенантнинг баланд руҳидан дадилланиб кетдилар. Бекнинг иши билан бугунги жанглар галабасининг калити топилгандай эди.

Комилов ротадан ўттиз жангчинини танлаб олди-да, ҳар бири ўн кишидан учта ҳужумчи группа тузди. Ҳар ўрта группада ўн биринчи бўлиб борадиган бўлди.

— Кўпуровдан кейин сўнги атакага ташланамиз, шу ташланишда бир ҳамла билан чўқига чиқиб оламиз!— деди у жангчиларига.

Ҳалл ўтмай, тепаликда гумбурлаб фугас портлади. Портлаш зарбидан отилган натта-натта тош ва несаклар Бек взводи жойлашган атака маррасигача етиб келиб, тапир-тупур ерга тўкилди.

Комилов икки взводни ҳужумчи группага мадад бериб туриш учун қулай жойларда қолдириб, ўзи портовдан кейинроқ чўқига ташланишга шай эди.

— Отанга раҳмат, Бегим!— деди портлаш натижасини дурбинда кўриб. — Жуда яхши жойни танлаган экансан, немиснинг замбароғи ҳам, пулемётни ҳам тупроққа қоршиб кетди. Мана энди олган!

Бекнинг жангчилари шу командани кутиб турган эдилар, киндир «ура!» деб юборди. Тепаликка сўнги атака Бек взводининг кучли «ура!»си билан бошланди. Тепаликдан немислар катта талафот кўрган, ўт очини нуқталаридан айрилган, қолаверса, портовдан гангил, ўзларини йўқотиб қўйган эдилар.

Комиловнинг штурмчи группаси бир ҳамлада чўқига чиқиб олди. Немис офицерлари ҳам портовнинг сирини билмай гаранг эди. Шунинг учун Комиловнинг жангчиларига қаршилиқ кўрсата олмадилар. Баъзилари икки қўлини баланд кўтариб, айримлари қўчиб кутулди. Бир офицер Комиловнинг кўзи олдида ўзини ўзи отиб ўлдириди.

Чўқига чиқиб олган, Комилов ўпқонини кўриб ҳайрон қолди.

— Бек!

— Лаббай.

— Мана сенга тайёр истеҳком, тезда ўрнашиб ол!

Бошқа бўлинмалар ҳам мудофаа қораларини кўра бошладилар. Тепалик яқинида бўғиқ овоз эшитилар, гира-шира тонг ҳавосини ёриб осмонга оппоқ нур ёйилар, унинг ёруғида шошиб-пишиб янги позицияни ўзлаштираётган жангчилар кўринар эди.

Бутазор томонда замбаран овози эшитилди.

Биринчи снаряд тепаликнинг елкасида портлади. Кейингилари, жангчилар эгналган онолар афрогига тушди.

— Тепаликни қайтариб олмақчи бу пеллар! Қайтариб берадиган аҳмоқ йўқ!

Комилов неракли жойларга пулемёт ўрнатиб, мабодо душман контр атака бошлаб қолса уни ажал ўти билан кутиб олиш тадбирларини кўриб, аскарларга ўз секретларини белгилаб берди. Кейин у телефон орқали Веселовга рапорт бериб, ўзига топширилган вазифа бажарилишини айтди. Веселов Комиловни ғалаба билан қизгин табриклади, ўз йўли билан уни қўллаб-қувватлаб туражагини билдирди.

Кеч нуз. Артиллерия қононадаси билан тонг отди. Булутлар кўпикланиб-кўпикланиб оқарди. Уларнинг қора сояси дўнгликлар, жарликлар устида сузарди. Бу соялар кўпайиб, гарб томонга суза бошлади. Булутларнинг соясига қизил юлдузли оппоқ пўлат қўшларнинг соялари қўшилди. Комиловлар кўпдан бери кутган ишлар бошланди. Доннинг чап қирғоғига тўпланган зарбдор Армия қўзғолди!..

Шу билан бирга, Комиловнинг юрагини ғаш қилиб турган хавфли воқеалар ҳам бошланди. Немислар зарбдор Армиянинг йўлини тўсиш учун катта куч ташлаб яна тепаликни қўлга киритишга уриндилар. Шунинг учун Комилов ротасига яна оғир синовлар бошланди.

Немислар тепаликни уч томондан қуршаб олдилар. Чўқига жойлашган жанговар группанинг бўйнига буйинтурулдай осилиб, уни пастда қолган икки взводдан узиб қўймоқчи эдилар. Чўқигаги мудофаачиларнинг сони тобора камайиб бормоқда эди.

— Ҳаммамиз шу ерда тупроққа қоришиб кетса ҳам чўқига немисни чиқармаймиз!— деди Комилов ўз жангчиларига.

Немисларнинг сиқуви тобора кучаяр, Комилов Дон бўйида нима-лар бўлаётганидан беҳабар эди. Бу вақт зарбдор Армиянинг отлиқ аскарлари, пйёдалари Веселовнинг «ички ери»га ўтиб олиб, унинг батальонлари билан Клетск станциясига ҳамла қилаётгани ва бу ишда Комиловнинг ҳиссаси жуда катта эканини унинг ўзи билмас эди.

Тепаликда, дўппидайгина жойда Комиловнинг ўзи билан ўн бир жангчи қолган. Комиловнинг билишича, уларнинг ҳам соғ жойи қолмагандай эди. Яраларини боғлаб олишга бинт етишмаганидан айримлари кўйлақларини йиртиб, яраларини тангил олган эдилар. «Бундай жангчиларни немис енгиб бўпти!» дер эди Комилов ва ўзининг бу сўздан янги куч ортиргандай бўларди.

Қаерда нима портлаб, нима отилаётганини Комилов баъзан эшитмас, аммо ўз оқолари олдида таппа-таппа тўлилаётган немисларни кўрарди. Демак, унинг жангчилари ҳали жанг қобилиятини йўқотмаган.

Унинг икки йиқдан ва устидан яна бир неча соя югуриб ўтди. Бу — совет самолётларининг сояси эди. Узоқ-узоқларда ҳам шундай бўлмоқда. Демак, зарбдор Армиянинг ҳужуми давом этмоқда. Комилов вазиятни билмоқ учун батальон штабига телефон қилмоқчи бўлди. Телефон иллари парча-парча бўлиб ётарди. Телефонист эса, аппарати кучоклаганича ҳалол бўлган... Тепадан немислар томонга ўнлар учиб ўтмоқда. Кимнинг ўқлари! Гранаталар ҳам портлаб турирди. Кимлар отмоқда? Кучли «ура!» эшитилгандай бўлди. Кимнинг садоси...

Шу зумдан кейин Комилов нима бўлганини билмайди. Кўзини хийёл очаркан, бошида Маринани кўрди. Ўнгими, тушимми — билолмасди.

— Қаерда ётиман?..

Марина унинг бошини силади.

— Штабми?— деди Комилов оғзи қуруқшаганидан тилини такиллаб.

Марина унинг лабини хўл дона билан намлаб қўйди. Комиловнинг киртайиб қолган кўзларига дона жовдирарди. Марина уни тинчитиш учун вазиятни қисқа ва батафсил гапириб бермоқчи бўлди.

— Штаб бу уйдан кўнчи, — деди у, — чунки полк душмани анча узоқларга қувлаб кетди. Шундан кейин подполковник Веселов штабни ўз ёнига қақариб олди. Қўшиларини Сталинградда ҳужуқ қилаётган фашистларни қуршаб олиш операциясини бошлаган эмиз!..

Комилов ҳаяжонга тушди.

— Тепалик... кимнинг қўлида?..

— Узимизда!— деди Марина. — Ҳа деб савол бераверманг. Гапириш мумкин эмас. Қорнингиздаги қонлар сўнилиб нетади. Жим ётнинг!

Марина унинг елкасидан аста босиб қўйди. Шу он севимли қизнинг юмшоқ кўллари гўё электр ўтказгичлардай, унинг танасига майинлик, илинқлик малҳами бағишлади. Бунинг оромидан Комилов кўзларини аста юмиб, жимишти. Кўз ўнгиде тугилиб ўсган қишлоғининг манзаралари намоён бўлди.

Шифобахш

Фарғона

суви

Марказий Фарғонанинг Қизилтепа яланлигида бундан бир қанча йил аввал қудуқ қазилганида иссиқ шифобахш сув отилиб чиққан эди. Ушандан бери бу ерда даволаш муассасалари қурилди. Ҳозир юз ўринли касалхона ишлаб турибди. Фарғона пиво заводи эса бу шифобахш сувдан йилига 8 миллион шиша тайёрлаб, аҳолига етказиб берапти.




● Қандай ёқимли-а Фарғона суви!

● Заводда лаборатория мудир Ф. Абдулаева билан цех бошлиғи С. Жуманиёзов сув таркибини текшириб кўришяпти.

● Фарғона суви шишаларга қуйилмоқда. Тайёр маҳсулотни ишчи Аноҳон Солиева саралаб турибди.

● Қизилтепа шифоҳонасининг ванна қабул қиладиган хонаси.

С. БЕЗНОСОВ
фотолари.



сафқошлар

Бириндигина ўрта мактаб қучоғидан чиқиб, катта ҳаётга қадам қўйди — ота касбига меҳр боғлаб, миршкор боғбон бўлмоқчи. Бирн трактор минишини орзу қилса, яна бирн учувчи бўламан дейди.

Лекин ширин ниётлар рўёбга чиқмади. Ажойиб орзуларга лаънати уруш чангал солди. Эр бошига иш тушди, тенгсиз мушкул иш тушди. Катта-ю кичик, душманга қарши курашишга қодир бўлган кимса борни қўлга қурол олиб жангу жадалга отланди.

Ешу қари, эрқагу аёл бир жону бир тан эди. Бирн сўлим Наманганда, бирн шодон Хоразмда, яна бирови Шарқ дарвозаси Тошкентда туғилиб ўсган, улғайиб вояга етган йигитлар бир ёқадан бош чиқариб она-Ватанин фашист газандалардан ҳалос этишга отландилар, манфур душманин то унинг нингача қулаб бориб ер билан яксон қилгунга қадар рус ва украин, белорус ва қозоқ, грузин ва тожик — миллионлаб совет ўғлонлари билан елкама-елка туриб жанг қилдилар.

Қирқ бешинчи йилнинг баҳор пайти. Халоскор Совет Армияси шиддатли жанлар олиб бораркан, дахлсиз она тупроғимизни гитлерчи каллакесарлардан озод қилиб, душманин бетўхтов чекинтирмоқда. 3-Украина фронти штаби ҳузурида ўзбек тилида чиқиб турган «Фронт ҳақиқати» газетасининг бир гуруҳ икюдий ходимлари бир зум вақт топиб, жанг майдонларида ҳаёт-момот кураши олиб бораётган, айни замонда олдинги жаҳалардан кўчма редакцияга хат-хабарлар келтириб турган ҳарбий мухбирлар билан эсдалик учун суратга тушмоқчи бўлишди. Ғалаба кунини қарши олиш, ғолибият байроғи рейхстаг тумбазида ҳилпирашини кўриш кимга насиб этади — бунн ҳали ҳеч ким билмасди.

«Кимда-ким омон қолса шу суратни севимли ота-оналаримиз, ёру дўстларимизга етказиб беради» дейишди-ю суратга тушишди.


Суратдагилар билан сизни таништирайлик. Чапдан ўннга, биринчи қаторда ўтирганлар: Юсуфжон Бойхолов, Адҳам Ҳамдам, Шариф Бўлатов, Отамурод Авазмуродов, Назармат Эгамназаров. Иккинчи қаторда — Турсунов, Ваҳобжон Ашуров, Абдурашид Суллонов.

Уларнинг кўпи республикамиз жамсаатчилигига таниш. Адҳам Ҳамдам — ёзувчи. Унинг ҳажвиялари айниқса «Муштум» саҳифаларида кўп босилади. «Табассум устахонаси»да, «Экран хандаси»да бизларни хушнуд этиб туради. Шариф Бўлатов — некса журналист, шахсий пенсионер. Отамурод Авазмуродов билан Назармат Эгамназаров ҳамон сафда. Бирн «Хоразм ҳақиқати» газетаси редакторининг ўриабосари, иккинчиси «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясида адабиёт ва санъат бўлимини бошқариб келмоқда. Адҳам Ҳамдам билан Назармат ўзбек совет матбуотиин тараққий эттириш соҳасидаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган фахрий унвон олдилар.

Ваҳобжон Ашуров — педагог. Андижондаги мактаблардан бирида ёш авлодни тарбиялашга ҳисса қўшмоқда. Қолганларнинг қаерда яшаётганлиғни ҳозирча аниқлай олмадик. Бу ўртоқлар ўзларни журналда кўриб, бизга хабар йўллайдилар, деб умид қиламиз.

Ҳамид ТОҶИБОВЕ.

ФАРҒОНА ОРОМҒОҲЛАРИ



ҲАМЗАОБОД

Шоҳимардон — табиатнинг ажойиб, нодир безағи. Дениз саҳидан 1400 метр баландликдаги Қўлиқуббон, ундан яна икки юз метр баландликдаги Яшил қўл; тоғ-тошларга осилиб турган олма, ўрикзорлар, одамни элитувчи Оқсув, Кўксув қўшиқлари; минг-минг тонналик тош бағридан йўл топиб тушган Чаккатомар... Не-не ақида, афсоналарнинг сабабчиси улар. Бу мўъжизаларнинг ҳаммаси бир вақтлар динга хизмат қиларди. Энди бари халқ бойлиғидир. Фарғоналиклар уларнинг тарихини билишади, тавсифини қилишади.

Шоҳимардон азалдан нодир ўсимликлар, жониворларга бой. Водийда ёввойи ҳолда ўсадиган икки минг тур ўсимликдан мингдан зиёдроғи Шоҳимардон атрофида ўсади. Академик Собир Юнусов Шоҳимардон бўриғулидан қирқча яқин алколюид тайёрлади. Фақат Шоҳимардондагина етишадиган олтинранг сувур ўти дориворликда бўриғулдан қолишмаслиғи аниқланди. Ширач, етмак (бих), зира, зирк, дўлана каби шифобахш ўсимликлар ҳам табиий равишда Шоҳимардондагина ўсади. Сўнги пайтларда бу-

ларнинг камайиб кетиши кўпчилигини ташвишга соляпти. Тобора сийраклашиб бораётган уларқуш, архор (ёввойи қўй), кийик, какликларни сақлаб қолиш ҳусусида жиддий ўйлаб қўрилса яхши бўлур эди.

Айтишларича, Шоҳимардон суви таъми, ширинлиғи жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринларда тураркан. Ажаб эмас. Одамлар севиб кўёв-қаллиқ деб атайдиган, Олой тоғ бағирларини ёриб чиққан Оқсув билан Кўксув туфайли, Шоҳимардон — Водил ўртасида Бутуниттифоқ ахминиятга эга курорт ташкил этиляпти.

Бу манзил эндиликда халқимизнинг асл фарзанди Ҳамза Ҳакимзода номи билан «Ҳамзаобод» аталади.

Ҳамза сочган илм ва маданият уруғлари эндиликда ўз мевасини берди. Қишлоқда 60 дан зиёд ўқитувчи, инженер-техник, агроном ва бошқа касб эгалари бор. Ҳамза ташкил этган мактаб ёнига яна иккита катта мактаб биноси тушди. Уларда 600 дан ортиқ ҳамзаободлик ўқувчи билим олади.

Қишлоқ ўртасида озодлик учун курашда қурбон бўлган қизил аскарлар шарафига ҳайкал бор. Унинг ёнида Ҳамзамизнинг табаррук хоки. Ҳар йили минг-минг зиёратчи келиб, қалбларда чуқур эҳтиром билан мақбара ёнидан ўтади...





БОТИРНИНГ ИККИ ҚАБРИ

1925 йилнинг қаҳратон қиши. Ўзбекистон пойтахти Самарқандга қайгули хабар келди: Бойсун билан Шербод оралигида Салом қалта шайхаси Абдулла Набиевни ваҳшийларча ўлдирди.

Партия ва ҳукумат вакиллари етиб борганларида маҳаллий халқ боғир комсомолни ҳурмат-эҳтиром билан йўл бўйига дафи этган эди. Унинг жасади Самарқандга келтирилди. Ҳукумат Абдулла Набиевни пойтахтга дафи этишга қарор қилган эди.

Бироқ бу хабар қўқонликлар қулогига етгач, улар шошилиш равишида бир паровозга икки вагон тиркаб Самарқандга келишди. Абдулла Набиев жасадини туғилиб ўсган, комсомолга кирган, биринчи ячейка тузган, ниқлоб душманларига қарши қуролли комсомол отряди ташкил этган юртига олиб кетишга рухсат сўрашди.

Республика раҳбарлари Акмал Икромов, Иўлдош Охунбобоев ўртоқлар поездни Қўқонга узатиб қолдилар. Ингирма бир ёшида ҳалок бўлган ниқлоб жангчисини ҳамшаҳарлар чуқур мотам тутиб, Даҳма деб аталувчи қабристонга қўйдилар.

Йиллар ўтди. Халқ ўзининг ботир фарзандани ҳамон ҳурмат ва эҳтиром билан хотирлайди. Сурхондарёда Абдулла Набиев дафи этилган дастлабки қабрда ҳали ҳам зиёратчилар қадами аримайди. Гарчи жанговар комсомолнинг жасади Қўқон тупроғида ётган бўлса ҳам, сурхондарёликлар унинг ҳурмати учун йўл бўйидаги қабрини Абдулла Набиев қабри деб ҳисоблайдилар. Бу меҳр-салоқатда жон бор. Чунки ўша манзилга комсомолнинг шоил ўғли Абдулла Набиев қони тўкилган. Озодлик учун курашганларнинг қони тўкилган тупроқ эса муқаддасдир.

СЎХ

Табиатнинг ажиб эҳсонини — Сўх бош юваётган соҳибжамол киз бўлса, Обишир сув қуйиб бераётган паҳлавон йиғитга ўхшайди. Сўхнинг тўрт томонида тўрт паҳлавони бор. Улар Лазар, Чилдухтарон, Обишир, Утак тоғлари. Обишир чўққиларидан Сўхнинг минг кокилини тараб сутранг сув қуйилиб туради. Ўртада гоҳ сокин, гоҳ жўшиб, кўпириб, Сўх дарёси оқади. Сўхликларнинг дилига ўрнашиб қолган шаршара оҳанги адрларга ёйилади, тоғ-тошларга урилиб, акс-садо бериб туради. Илк баҳор майсасидек кўм-кўк сув отилиб турган машҳур Чашмадан дафъатан кўз узши қийин.

Хуллас, Сўхда табиатнинг мўъжизаси кўп. Сўхликлар яратган мўъжиза эса ундан ўн чандон, юз чандон зиёд.

Хувшёр қишлоғи областимизнинг энг жанубий нуқтаси. Қишлоқ тоғ ён бағрига жойлашган. Сўх дарёсидан бу ерга сув чиқарилиб, тоғ сиртида 1200 гектар боғ барпо қилинган.

Совхоз директори Мўйдин ака Юнусов қизқ бир рақамни

айтди: ўтган йили ана шу омон ўпар боғлардан давлатга 220 тонна мева сотилибди. 92 минг сўм соф фойда олинди.

Бугина эмас. Сўх картошкаси, сабзи, пшён, девзира гуручининг харидори кўп, бозори қаққон. Лазар тоғи жилгасида этишган сабзи уруғи эса жаҳон кезиб юрибди.

Сўх дарёси тўғрисида яна жиндек тўхталмасак тасаввуримиз тўла бўлмас. Дарё қадимдан Қўқон воҳаси кишиллари учун ҳам қадри. Сўх уларга об-ҳаёт бўлган. Аммо асов дарёнинг дўқу дағдаси ҳам ҳазилакам эмас. Йил боши ва охирида суви тинч, тинч, бошқа ойларда бўтана, тўпори, ён апрофига хавф-хатар солиб оқади. Шунинг учун узоқ вақт унинг феъл-атворини ўрганишди. Сўх соҳилидаги Хувшёр қишлоғидан Ғазнов, Тул қишлоқларигача, Тулдан Чўнғара, Секиртмагача кузатиш пунктлари бор. Сувнинг кўпайиши, даврий тошқинларнинг тахминий жадрвали ҳам тузилган.

Эндилкида Сўх измга тушди. Дамбалар кўтарилди. Ҳозир улкан иншоот — сув омбори қуриляпти. Битса, бу — яна минг-миң гектар экин майдони, Сўх сувидан самарали фойдаланишнинг яна бир қулай имкони деган сўз.

ЧИМЁН

Чимён республикамиздаги энг тўнғич нефть қони, поёнсиз ўрикзорлари билан машҳур. Ҳозир бу таърифлар ёнига яна бир сифат қўшилди: шифобахш дароғоқ. Одатда бир литр сув таркибида 50 миллиграмм сероводород бўлса, у шифоли ҳисобланади. Чимён сувининг бир литрида эса 350 миллиграмм сероводород бор.

— Шифохонамизга Иттифоқимизнинг турли жойларидан беморлар келишади, — дейди Чимён санаторийсининг бош врачси Мадаминжон Аҳмедов. — Улар бўгин, асаб, юрак, қон томири касалликлари, эгзема, радикүлит каби дардларга даво топиб қайтишяпти.

Чимён — Фарғонадан қирқ километр ғарби-жанубда. Чор атрофи қир-адрлар билан қуршалган. Унинг иқлими, табиати Шохимардонникига ўхшаб кетади, Олой тоғ тизмаларининг сув ирмоқлари Чимёнга ҳам етиб келган. Чимён туя ўрқачига ўхшайдиган шаршараларга бой. Вағрида катта нефть запасини сақлаб турган адрлар ҳаминча майса билан қопланиб ётади. Қора жавоҳир устига барқут гилам тўшалгандай.

Табиий шароити, иқлими, шифобахш суви туфайли Чимёндаги санаторий кенгайтирилди. Яқинда яна иккита корпус ишга туширилди. Келажакда минг ўринли курорт-санаторийга айлантирилади. Бунинг учун 8 миллион сўм маблағ ажратилган.

АРСИФ

Халқ азалдан қуруқ, қерсув жойни маскан тутаркан. Албатта бунда унинг об-ҳавоси, табиатини ҳам ҳисобга олишган. Арсиф даштнинг жанубий қисмидаги адр этагига аҳолининг келиб жойлашганлиги ҳам шу туфайли бўлса керак. Бу ернинг гўзал манзараси, зилол суви одамларни ўз бағрига тортган. Ҳозирги кунда Арсиф энг гўзал қишлоқлардан бири. Узоқдан қараганда гўё узун зангори гилам тўшаб қўйилганга ўхшайди. Адр томондан доим гир-гир шабада эсиб туради.




Арсифликлар сой ва булоқ сувини даштликка буриб, экинзорга айлантиришган.

Арсифнинг табиати, булоқ сувлари олимларнинг, медицина ходимларининг эътиборини ўзига тортди. 1968 йилда бу ерда санаторий ташкил этилди.

Арсифликларнинг энг кўзга ташланадиган иши даштликнинг тобора сиқиб бораётганликлари, тош устида ҳосил ундираётганликларидир.

Сайдали ОДИЛОВ.



ҚАНИ ЭНДИ ДИЙДОР КЎРИШАК

Жанг ва тинчлик йўлларида

Умань — Корсунь — Шевченко операциясида немисларнинг 22 дивизияси ер билан яқсон қилинди. Жанг майдонида қолиб кетган босқинчиларнинг сон-саногига етиб бўлмасди. Урмонларда, катта йўлларда бир-бирига тиралиб ётган машиналар, танклар алангаси узоқ-узоқлардан кўриларди.

Мен батальон комсорги ва танк взводи командирин эдим. 57-танкичи бригада командири Шамардин мени хузурга чақириб: — Йигитларингиз билан шаҳарни яна бир синчиклаб текширинглар, — деб буюрди.

Немислар қамалда туриб жанг қиялпти. Урмонда яширган немис танкларни кўп. Ўзбек йигитларидан икки юзга яқин кишини ихтиёримга беришди. Биз Умань шаҳрига яшириниб қамал жанги олиб бораётган немисларга хужум қилдим. Машхур Софиевқа заповеднигида юздан ортиқ фашистни кўлга туширдик. Ушлаб танкларни ёндириб, қанча-қанча курул-аслаха ўлга олдим.

Москва радиоси Умань шаҳри фашистлардан тазаланганини, бу жангда 57-танкичи бригада жасорат кўрсатганини ва бригадага Умань шаҳри номи берилганини хабар қилганида беҳад нувондими. Она шаҳрига ўз танимда биринчи бўлиб кирган маладий лейтенант Е. Тишички табриклар (қозир у Совет Иттифоқи Қахрамони), Рибченколар оиласига жўнадик. Дмитрий менинг қадрдон дўстим, жанговар сафдошим эди. Озод қилинган шаҳарда, ўз қадрдонингидики бўлиши, унинг бола-чақаси, ҳол-аҳволини сўраш қанчалар фахрли, нувончли эналлигини ўша дамлари бошидан кечирган солдатгина билди. Рибченконикидики онаси — нампирдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Қизи Таисияни немислар Германияга ҳайдаб кетишган, отаси партизанларга ўширилиб кетган экан.

Мана, орадан йигирма беш йил ўтди. Бу давр ичидики халқимиз уруш вақтидаги вайронгарчилигини тугатибгина қолмай, янги-янги шаҳарлар, саноат марказларини бунёд этди. Мана шу буюк ўзгаришларни бир кўрай, уруш йиллари босиб ўтган йўлларидаман яна бир ўтай деб, меҳнат отпуснасини олдимда, саб-ҳатта жўнадим.

Умань шаҳридаман. Курулдошларимни излаб юрибман. Ленин кўчасидаги сув дўконидики ишлаётгани аёлдан Рибченколар оиласини суриштирдим.

— Сиз уларни қаердан танийсиз? — ҳайрон бўлди аёл. Лаблари титраб, кўзлари шиланди. Ота-онаси тирилиб келгандек сездим, мендан кўз узмай:

— Айтинг, менинг ота-онамини қаердан танийсиз? — деди.

Мен шаҳарни немислардан озод қилгани нунимиз шу оилада тунаганимизни, Рибченко менинг дўстим эналлигини айтдим. Аёл кўз ёшларини артиб, бир културм сув ичдию, дудуқлиниб ўзини танитди.

— Мен Таисия Дмитриевна, Рибченконинг қизиман.

Курулдошим Рибченконинг қизи билан учрашганимга сира ишонгим келмасди.

Таисияниқидики ўтирибми. Унинг турмушу ўртоғи ҳам Умань шаҳрини немислардан озод қилганида қатнашган экан. Жанг эпизодларидан суҳбатлашиб ўтирдик. Афсуски, ота-онаси вафот эттибди. Девордаги портретларни дарров танидим.

Таисия Дмитриевна саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилди, мен тингладим.

— Шаҳримиз ўрмонзорда эди. Киевга борадиган катта йўлнинг ўнг томонидаги концлагерь кўришди (қозир у ерда икки минг солдат жасади ётибди). Немислар шаҳар аҳолисини сафта тизиб концлагерь ёнига олиб келишарди. «Агар немисларни яхши боқмасанглар, жасадларинг мана шу ерда бўлади» дейишарди. Шаҳардаги коммунист ва комсомолларни дорга осиди, тириклай өвгани осмонга қилиб кўмиб, азоблашди, хўрлашди. Шаҳар деворларига «Икки партизанларни немислардан яширса ёки лагердагиларга овқат олиб борса, фақат осилди» деган ёзувлар ёпиштирилган эди. Биз ўлимдан кўрмасдик. Концлагердагиларга яширинган овқат олиб борардим. Асир тушганлар есин деб, катта йўлнинг четларига овқат ўшириб кўлардик. Бу озиқ-овқатларни колонна-колонна бўлиб ўтадиган асирлар топиб ёйишарди.

Бир кунки кечаси эҳшимиз тақиллади. Бобом билан чиқдим. Ҳориб-чарчаган уч йигит «Бизни тез яширинглар, немислар кўриб келяпти» дейишди. Биз уларни яширдик. Қорачадан келган

ўзбек йигитининг фамилияси Раҳматуллаев эди. Қаердан эналлигини эслаб олмабман. Иккинчи йигитнинг исми — Жўра. Учтинчисининг ноини бутуллаб унутибман. Улар Дон дарёсидаги жангда асир тушиб, лагердан қочишган, сўнгги Знаменско шаҳридаги партизанлар отрядига келиб қўшилишган экан. Партизанлар отряди Умань шаҳрига келганда, немислар уларни кўлга тушироқчи бўлибди. Бу ўзбек йигитлари кўпни кўрган, кўп азоб-укубатларни бошдан кечирган, чиниққан солдатлар эди. Жўра билан қилган суҳбатимиз, унинг сўзлари ҳали ҳам эсимда, — дейди Таисия Дмитриевна.

— Ростини айтсам, деганди Жўра ўшанда, — қаерга келганини билмайман. Биз туғилган элимиздан шу қадар узоқлашиб кетдикки, уйимни тополмасам керак. Она юртим деб, неча дарёларни кечиб ўтдик. Урмон, дашт-биёбонларни пиёда босдик. Очлик, даҳшатли совуқларга чидадик. Ҳаммасидан ҳам немис концлагерларидаги қийноқларни унутиб бўлмайди. Лекин Ватан иши, она меҳри, севгили ёрим ҳақидаги хайлларим бизнинг кулфатларимизни осон қилди. Немислар автомат ўқитиб яланғочлаб ураётганда, азиз онами, дўстим Санталатни эсладим. Фашистларнинг қийноқларига чидадим.

Йигирма бир ёшли Жўранинг бу сўзларини ҳеч унутолмайман.

— Жўра, бу сўзларни қаердан топдингиз? — деб сўрадим бир кунки. У кулиб кўйди, сўнгра деди:

— Мени сўзга чечан қилган нарса фронтдаги ачиқ ҳайт, немисларнинг қийноғи.

Мана шундай ширин суҳбат вақтида немис автоматлари тариллаб қолди. Ҳовлимиз жанг майдонига айланди. Менинг кўлимни бойлаб, шу захотибёқ машинага босишди. Германиядаги ҳарбий заводларнинг бирига олиб келишди.

Минага порох тўлдирётган эдик, бир немис офицери келиб бизни қоровуллаб турган солдатларни чиқариб юборди. Сўнгра рус тилида сўзлаб кетди:

— Яна бир соатдан сўнг бу ерга қум келтирилади. Минага қум тўлдирасизлар. Эртага эса миналарга вараца жойлаштирасизлар. Кимки, бу сирни немисларга етказар экан, у совет халқига хиёнат қилган бўлади, — деди.

Заводга қум ва варақалар келтирилиб, уларни порох ўрнига жойлаштирганимиздан кейин, варақадаги «Рус солдатлари, сизнинг ёзги хужумингизни табриклаймиз: немис коммунистлари сизга муваффақиятлар тилайди» деган ёзувни ўқиганимиздан сўнг, бу ерда Германия компартиясининг кўли бор эналлигига амин бўлдик.

Биз яшаб турган лагерга бой немис хотинлар келиб, қизлардан танлаб-танлаб олиб кетишарди. Мени Магда исмли аёл олиб кетди. Унинг уйда турли миллат қизлари бор эди. Бу аёл «Уйларингизга кетишга тайёрланглар» деганида жуда ҳайратда қолдим. Эри машинада келиб, хотинига «Қизлар тайёрми?» деганида, булар немис коммунистлари эканига ишондик.

Биз ярим кечада машинада йўлга чиқдик. Польша чегарасига етганимизда бизни ўққа тутдилар. Немис коммунистлари совет кишиларини уйларига мана шу чегарадан жўнатар экан. Бу сир сўнги вақтда фашистларга аён бўлганга ўхшайди: Унта қиз ҳаммамиз кўлга тушдик.

Бизларни Польшадаги Родземини концлагерига олиб кетишди. Хоналарга олиб кириб, ечинишга бўйроқ беришди. Галл исмли шеригимизни алоҳида бир хонага қақирди. Салдан кейин Галляни аянчли чиқаришгани эшитдик. Бегуноқ қизининг танасини бўлак-бўлак қиялпти ёки тирногини аржатиб, сочларини юлпатти деб ўйладим. Ёниқ азобидан қақиршига ҳам нуқувати қолмаган бўлса керак, дами чинмай қолди. Галляга нима бўлди экан? Нахотки ўлдириб юборишган бўлса-я! деб турганимда мени қақирди.

Хонага кирганимда жонсиз ётган сўхсурдай қизнинг жасадини кўриб, сочларим тинка бўлиб кетди. Еб кўйгудай ўқрайдим, бироқ на илон, курулми йўқ.

— Утиринг, — хитоб қилди менга немис офицери, махсус жазо креслосини кўрсатиб. Утирдим. Бадамин дириллай бошладим. Биз фашистлар назарида ҳайвон қатори эдик. Уларда на шарихаё, на ор-номус бор эди. Эллик ёшлардаги аёл аллақандай темир-терсақларни печкада қиздирадди. Галляга кўз ташладим. «Қозир мен ҳам сендай бўламан» дедим ичимда. Дам ўтмади. Ҳақлиги некса-аёл чўғ бўлиб турган фашист тамғасини ўнг сонимга босди...

Таисия ҳинюсини давом эттиролмади. Уша дамлари қайта хотирлаш осон эмас эди. Анчадан кейин саргузаштини яна ҳикоя қила бошлади:

— Тахта қаравотда ўн кунча беҳуш ётдим. Уша оғир нунда ўзбек йигити Жўранинг сўзини тақрорладим. Биринчи муҳаббатни, синфдошим Николайни эсладим. «Николай, фашистларга қара, мени қандай азобладилар, фожиами бу кунлар тугаб, ўз дёримизда дийдор кўришсан, бу азобларни бизнига вафодор бўласанми? Мен сенга вафодорман. Бир сенга эмас, мана бу қийноқлардан сўнг, ҳамма совет кишиларига вафодорман. Мен уч ўзбек йигити деб кўлга тушдим, улар эса менинг Украинани учун жон бергандир. Ватанини севган киши ўлмайди».

Фашист тамғасининг ўрни тузади, лекин фашистларга габзими яна чексиз кучайди. Мени партизанларга ёрдам берган қаторида яна кўп лагерларга олиб бордилар, қийнадилар, ишлатдилар.

1944 йилда армиямиз Польшанинг Майданек концлагерини озод қилгандан сўнг, Украинага қайтдим. Уйимда на отам, на онам, на Николай бор эди. Уч ўзбек йигитининг тақдири нима бўлганини билмадим. Балик улар ҳаётдир. Қани энди дийдор кўришсан...

Раҳматулла ИСҲОҚОВ, журналист.



ҚЎШИҚ

Қўшиқчига давр бир марта келади дейишади. Бу гапнинг қанчалик тўғри-ноғўғрилигини айтиш қийин, лекин Маъмуржон Узоқовга икки марта келгани аниқ.

Ўттиз тўққизинчи йилда Катта Фарғона канали қазилганида Маъмуржон ака Жўраҳон Султонов билан трассанинг у бошидан бу бошигача қўшиқ айтиб ҳам «оҳ чарчадим» демаган. Унинг кишини сел қилиб юборадиган тиниқ, баланд овозини эшитган полвоннинг белига қувват қўшилди, бир пуд шағал кўтарган йигит икки пудни даст орқаларди.

Йигитларни фронтга қўшиқ айтиб кузатганлар ҳам шулар. Ғалаба айёмида темир йўл вокзалида тик туриб, чой хўшлаб қўшиқ айтиб, ғолиблар қайтаётган поездни кутиб олганлар сафида ҳам Маъмуржон Узоқов бор эди.

Айниқса кейинги йилларда Маъмуржон ҳофизнинг овози яна ҳам тиниқлашиб, қўшиқларини меъёрига етказиб айтадиган бўлганди. Унинг оҳанги радио ё телевизордан таралганда эшитувчининг руҳи кўтарилар, дили ёришиб, ором олар эди.

Бетоблик уни қийнай бошлади. Туғилиб ўсган она юрти Марғилонга қайтди.

Уни тез-тез дўстлари йўқлаб келишарди. Шундай куларнинг бирида Тошкентдан бир гуруҳ санъаткорлар келишди. Марғилон боғида томоша бўладиган бўлди. Маъмуржон ҳофиз бетоблигига қарамай, улар билан бирга борди. Бир нафас аския бўлар, сўнг қўшиқ айтиларди. Буларни кўриб Маъмуржон аканинг ғайрати қўзиб кетди, чидамай саҳнага чиқди, ҳалойиққа қараб:

— Мен ҳам бир жуфт қўшиқ айтиб берай,— деди.

Унинг овозини соғиниб келган марғилонликлар гуруллаб қарсак чалишди.

Қўшиқ, ҳаммага ёқадиган ўша жанрда қўшиқ бошланди. Маъмуржон ака уни шу қадар тиниқ, раво айтдики, тингловчилар лол-ҳайрон эдилар. Қўшиқ авжига етганда тори узилган ҳанбурдай бирдан тинди. Маъмуржон ҳофиз бир қалқидю, боши бўйинга осилди. Ён-веридигилар шошиб келиб суяб қолишди.

Ҳа, қўшиқ тугамай қолди.

ОТАМНИНГ АЛЛАСИ

Онамнинг юмуши бўларди бисёр,
Ҳаммамиз ёш эдик,
Йўқ эди дастёр.
Учоқнинг бошида қоларкан узоқ,
Ювилиб бўлгунча қозону товоқ,
Аллани соғиниб,
Кутардик муштоқ.
Шунда отам алла айтарди бизга,
Файз қўшиб файзли оқшомимизга.
Биз унга ўрганиб қолгандик роса,
Эшитиб, уни ёд олгандик роса.
Хар сафар тингласам мудраб ўринида,
Бир ният бор эди қалбим тўрида:
«Отамнинг айтгани шу узун алла
Узрилиб қолмасин,
Бўлмасин чала...»

Алла-ку узилмай,
Айрилди узун,
Отани тополмай қўмсайман бугун.
Қўмсайман ёқимтой овозларини,
Аллани жанрдор парвозларини.
На чора?
Хайрият,
Едимда алла.
Шу алла кўнглимга бермоқда далда.
Ўзин ҳам отамдай отаман энди,
Отамнинг алласин айтаман энди.
Хар оқшом фарзандлар тингларлар мени,
Боланик завқи-ла сийлашар мени.
Фарзандлар тингларкан мудраб ўрнида,
Бир ният ҳуқирон қалбим тўрида:
Бор бўлсин,
Бор бўлсин фарзанду оқшом,
Отамнинг алласин эттирай давом!

ТЕМИРЧИ

Ихлосим баладдир темирчиларга.
Кўп ҳикмат,
Хислатлар темирчидадир,
Чунки у темирдай ўт ичидадир,
Темирни куйдириб,
Куймайди асло,
Тобламай,
Пишитмай қўймайди асло.
Темири тобланар
Ва бўлар олов,
Қўлида жилвагар,
Мисоли ялов.
Шу ялов иш берди инқилобда ҳам,
Далада, тошқинда

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

Тошқин дарё

Ва офтобда ҳам,
Темирдан олтинга айланди тупроқ,
Темирдан олислар бўлди яқинроқ.
Одамзод қўлида тўқис, беҳато
Темирлар фазода учмоқда ҳатто.

Темирчи хизмати шунчалар юксак.
Дўстларим,
Қанчалик юксакка чиқсак,
Темирчи хайлдан қочмасин мудом,
Ўтдаги темирдай берайлик салом.

САИЕРАЛАРГА

Минорайн Калоннинг
Учдаги машъалдай
Еримизнинг кўкида
Ёниб турар Ой —
машъал.

Келаверинг, карвонлар,
Келаверинг адашмай;
Йўл олсангиз биз томон,
Осмон ёруғ ҳар маҳал.
Зухроданми, Миррихдан,
Қайси ёқдан келсангиз,
Бу бари бир, фақат дўст
Элчи бўлинг ҳар қачон.
Тузатамиз дастурхон
Ва тутамиз нону туз,
Ерда ҳамма нарса бор,
Узилмагай ҳеч меҳмон.
Қуруқ келинг тортинмай
Ва келтиринг хушхабар,
Хушхабарни ёқтирар
Азал-абад элимиз.
Ерда нону илм мўз;
Лекин илм мўзтабар;
Биз билмаган илмдан
Кўпроқ олиб келингиз.

ЖАРОҲАТ

Чинорлар пўстлогин ташлаб туради.
Сабабин боғбондан сўрадим.
Сабабин бир бошдан сўзлади боғбон:
— Жароҳат бу,

Яъни —
Ғийбат
Ва бўхтон.
Бу ерга одамлар тўпланиб ёзда,
Яхшидан гап очса,
Соз бўлса суҳбат,
Чинорлар шовуллаб,
Қувониб фақат,
Одамдай кулади,
Дарди арийди;
Ипакдай эшилиб,
Мумдай эрийди.

Шундоқ-ку,
Одам ҳам ҳар турли, укам,
Яхши гап гапирмас ҳамма одам ҳам.
Баъзи бир одамнинг касб-кори ғийбат,
Ғийбатдан дарахт пўст ташлайди фақат!
Қўрдингми,
Ғийбатни одамлар эмас,
Паҳлавон чинор ҳам кўтара олмас.

ҚИЗҒАЛДОҚ

Қизғалдоқ турарди тепа лабида,
Не ўйлар бор эди митти қалбида.

Ўйларин болалар қаёқдан билар?
Қачонки битта гул кўрinsa юлар...

Бир қизча шамолдай ноғуриб бориб,
Қизғалдоқ шўрликни олди кўпориб.

Тепадан йўқолди битта қизғалдоқ,
Шовуллаб тўқилди бир этак тупроқ.

ОСМОН СИФАТИ

Осмон қаҳ-қаҳ урар,
Сўнг солар уввос,
Кўз ёши ерларга қуйилар чуввос.
Далалар шмирар шошқин
Ва жадал.
Қулгуси кўп хунук,
Кўз ёши гўзал.

Наманганлик инженер Т. Сулаймонов бизга хат ёзиб, «Сионизм» нима? Унинг социал мохияти нимадан иборат?» деб сўради.

Бу саволларга жавоб сифатида Тошкент Давлат Педагогика институтининг ўқитувчиси «Гулистон»нинг халқаро шарҳловчиси Ф. Исмоиловнинг тубандига мақоласини босдик.

Эразмидан олдинги VII асрда Ассирия шоҳи Саргон II Соломон қўшнларини енгиб, минглаб исроилликларни мамлакатдан чиқариб юборган ва қул қилиб сотган эди. Ана шундан бошлаб яҳудийлар дунёнинг кўпгина жойларига тарқалиб кетган.

1895 йилда веналик журналист Теодор Герцль ўзининг «Яҳудийлар давлати» деган китобда дунёдаги барча яҳудийларни Иерусалим яқинидаги «Муқаддас» Сион тоғига яқинлаштишга ва ўзларининг «тарихий» ватанларига қайтиб келишга ундаган эди. Т. Герцль «Китобларнинг китоби — Таврот мавжуд экан, яҳудийлар ҳам мавжуд бўлиши, яҳудийлар бор экан, мамлакати ҳам бўлиши керак» деган ғояни олға суради. Четдан қараганда сионизм идеологияси «яҳудий давлати»ни яратиш ҳақидаги таълимотдан иборатдек бўлиб кўринади. Лекин аслида унинг мохияти мустамлакачиликдир. Мисолларга мурожаат қилайлик. Китобнинг бир жойида, «Европа учун Осиёга қарши илгор пост яратиб, ваҳшийликка қарши диванализацияланган дунёнинг авангарди бўламин» дейилган. Бу нарса, сўзсиз, капиталистик мамлакатлар ҳужумдорларига ёқиб тушди. Натижада уларнинг хайрихоҳлиги билан, яҳудий буржуазияси орасида буржуа миллатчилик оқими — сионизм вужудга келди.

«Халоскор» сионистларнинг 1897 йил августда Швейцариянинг Базель шаҳрида бўлиб ўтган I съезди Жаҳон Сионистик ташкилотини тузди. Бу ташкилотнинг олий органи Жаҳон сионистик конгрессидир. Конгрессда сионистлар кенгаши сайланади. Бу Кенгаш Ижроия комитет тузади. Комитетни эса бир ҳовуч монополистларнинг вакиллари бошқаради.

Жаҳон сионистик ташкилотининг яҳудийларни ягона миллат қилиб бирлаштириш программаси 1948 йилда Исроил давлатининг вужудга келиши биланвоқ амалга ошириди. Сионистлар энди янги программа — бутун яҳудийларнинг ҳамкорлиги ғояси билан чиқа бошладилар. Уни амалга оширишда улар Исроил давлатидан фойдаланмоқчи бўляптилар. Айниқса, Исроилнинг араблар ерига бостириб кириши билан бу ташкилот ўз фаолиятини активлаштирди.

Кўпгина мамлакатларда



ЧЕГАРАСИЗ ИМПЕРИЯ

жаҳон сионистик ташкилотининг 60 дан ортиқ бўлими бор. Америка бўлимида 400 та, Англияда 180 та, Францияда 100 дан ортиқ маҳаллий ташкилотлар мавжуд. АҚШда сионистик ташкилот аъзоларининг сони бир неча миллионга боради. Жаҳон бўйича сионистларнинг 1036 та газета-журналлари нашр этилади.

Жаҳон сионизмининг маркази — Нью-Йоркда, Иерусалимда эса унинг филиали бор. Унга капиталистик дунёнинг бадавлат монополистлари — молиявий магнатлари улгуржи маблағ ажратиб туради. Ийрик америка банкири Кун Леб, француз банкири Эдмонд де Ротшильд, Европадаги универсал магазинлар эгаси миллионер Исаак Вольфсон, англиялик миллионер лорд Израель Зифф, жанубий Африка қорчалони Опенгеймстерлар ташкилотининг актив аъзосидирлар.

Кейинги вақтларда италия саноятчиси Мейер Исроилга 100 миллион доллар узоқ муддатлик қарз берди; Ғарбий Берлин кинорежиссери Браунер Тель-Авивда Ийрик киностудия ташкил этишга бел боғлади; аргентиналик саноятчи Мирельмай Исроил тўқимачилик саноятини ривожлантириш учун 25 миллион доллар юборишга ваъда берди; англиялик мил-

лионер Скотт беш йил ичида 250 миллион доллар кимё маҳсулотларини юбориш мажбуриятини олди.

Араб давлатларига қарши ҳужумнинг дастлабки кунларидаёқ АҚШдаги сионист ташкилотлар «Исроил фавкуллода фонди»ни ташкил қилиб, ҳар ойда 250 миллион доллар тўлашга киришган эди. Агрессиядан кейинги озгина вақт ичида Исроилга бир ярим миллиард доллар юборилди.

Айниқса, америка сионистлари ашаддийлашиб борляти. Бу — Франция президенти Помпидуининг Америкага қилган сафарига жуда яққол кўринди. Икки юзга яқин америкалик конгрессменлар президент Помпидуининг сенатда сўзлаган нутқини эшитишни хоҳламасдан Инглишга келмадилар. Сионистлар Вашингтон, Чикаго, Нью-Йоркда Франциянинг Яқин Шарқ масаласида тутган тўғри позициясидан норози бўлиб, кўп минг кишилик намоёнлар ўтказдилар ва Франция президенти шаънига турли хил бўҳтонлар ёғдирдилар.

Англиялик сионистлар ҳам америкаликлардан қолшмаляпти. Яқинда «Савоя» меҳмонхонасидаги зиёфатда иштирок этган 400 яҳудий Исроилга ёрдам учун 2 миллион фунт-стерлинг «садақа» қилди.

Бирон харитада кўрса-

тилмаган сионистлар империяси Исроил урушқонларининг қўлига сув пурқаб, қўйинга олтин тўқаяпти. Бундай жараёҳ-жараёҳ пуллар Голда Меир хонимнинг тўрвасига тушмаганда, унинг ҳукумати ҳар кун ҳарбий мақсад учун бир миллион 200 минг фунт-стерлинг сарфламаган бўларди.

Сионизм иккиозлама идеологиядир. У ўзини эзилган, ҳўрланган ва қўвғин қилинганлар ҳўмийси қилиб кўрса-тиб, ҳақиқатда ирқчиликни ошқора тарғиб қилади. Ун йил бурун Исроил раҳбарларидан бири исроил солдатига қарата: «Сиз ўз душманингизни ўлдирганда кўнгличанлик қилмаслигингиз керак. Сиз билан биз араб маданияти деб аталмиш нарсаларни бутулай маҳв этиб, уларнинг вайронасида ўз маданиятимизни яратмагунча арабларга ҳамдардлик қилмаслигиниз керак» деган эди. Собий бosh министр Бен-Гурцион ундан ҳам ўтиб тушди. «Ҳозирги Исроил харитаси бизнинг мамлакат харитаси эмас. Бизда бошқа харита бор. Бун яҳудий студентлари ва ёшлари амалга оширишлари лозим. Исроил миллат ўз территориясини Евфратдан Нилгача кенгайтириши керак».

Араб аҳолисини Палестиндан ҳайдаб чиқариш ва «Евфрат — Нил» территория даъвоси — Исроилнинг расмий давлат сиёсатига айланган бормоқда. Бу — империализм қозонида қайнаган ва арабларга қарши қаратилган миллатчилик сиёсатидир.

Халқаро империализм ўзининг Яқин Шарқдаги позициясини Исроил қўли билан сақлаб қолшга, мустамлакачилик занжирларини узиб ташлаб, мустақил ҳаёт йўлига чиқа бошлаган араб халқининг озодлик ҳаракатларига тўқнаш қилишга уринмоқда. Империалистик кучлар бу мақсадга эришиш учун сионизмдан фойдаланмоқдалар.

Сионизм — монополистик капитал охуридан ем ейдиган шовинистик ва антикоммунистик идеология. Бу идеология Исроил агрессияси нафақатларига хизмат қилдиган АҚШ ҳўкўрон доирасининг агентураси, империализм арсеналидаги захарли воситадан бошқа нарса эмас. Сионизмининг оддий меҳнаткаш яҳудийлар билан, улар қайси мамлакатда бўлмасинлар, ҳеч қандай умумийлиги йўқ, бу ҳаракат империалистик қорчалоларнинг сиёсий мақсадига боғлиқдир. Исроил Коммунистик партиясининг Бosh секретари М. Вильнер сўзи билан айтганда, «Фақат Америка ва Англия империалистларидангина бу урушдан манфаатдорлардир, чунки улар Яқин Шарқдаги нефть бойликлари ва ўзларининг ҳарбий базаларини бизнинг ўғил ва қизларимизнинг ҳаёти эвазига сақлаб қолмоқчи бўляптилар».

Фозилжон ИСМОИЛОВ.



САМОДАН ҚАЙТГАН НИШОН

— Яна бир шоввоз учди! Совет граждани космосда парвоз этмоқда! Космонавт Валерий Биковский!

Бу хушхабар бир зумда бутун дунё халқлари тилларида такорланди. Ҳамма совет фанининг янги ғалабасини олқишламоқда. Радиоприёмиликлар ёнида, телевизор олдида фазодан келаётган қадрдон товущини тингламоқда, космонавт сиймосини кузатмоқда. Баҳодир йиғит хотиржам, берилган топшириқларни беками-кўст адо этмоқда. Унинг самодаги ишлари кўп, шулар қаторида кичик бир комсомол топшириғи ҳам бор.

Космонавт ўзи билан фазога Ленин сиймоси туширилган ўн дона комсомол значогини олиб чиққан. Улар махсус тоқчада турибди. В. Биковский омон-эсон ерга қўнғач, уларни ВЛКСМ Марказий Комитетига топширади. Космосни айланиб тушган значоклар Совет Иттифоқидаги энг илғор, энг муносиб ёшларга тақдим этилади.

Учувчи-космонавт Биковский омон-эсон она еримизга келиб қўнди, уни бутун мамлакат кутиб олди. ВЛКСМ Марказий Комитети фазодан тушган значокларни олувчилар номзодини аниқлашга киришди. Уша кезде фарғоналик комсомол қиз Маҳбуба Насриддинова ажойиб ташаббус бошлаган, ҳар бир механизатор камиде икки ёшни ўз касбига ўргатиш ширини кўйган эди. Бу ташаббусни бутун Ўзбекистон механизаторлари қўллаб-қувватлаган ва амалий ишга киришган эдилар.

Бахтни қарангки, Совет кemasида космосни айланиб қайтган уша бебаҳо ўнта значокнинг бири пахтакор-механизатор Маҳбуба Насриддиновага тегадиган бўлди. Бу хушхабардан республикамиз комсомоллари қувонч ва ифтихорга тўлдилар.

Мана, неча йилдирки, тарихий нишон Маҳбуба кўкрагини бебаб турибди. Значок Насриддиновалар оиласида энг қиматли ёдгорлик бўлиб сақланажак.

Лавҳаларни Собир АБДУЛЛА, Рустам РАҲМОН ва Адҳам РАҲМАТ ёзган.

Розохон кеча ўзи операция қилган икки қариядан ҳол сўраб, энди кабинетига кириб ўтирувди ҳамки, остонада аёл қизининг «Мумкинми?» деган овози эшитилди.

— Марҳамат!

Қиз қўлидаги бир даста гул хушбўйи хонани тўлдирди.

— Онам бериб юбордилар, — деб гулдастани врачга узатди.

Розохон гуллари димоғига тутаркан, Сожида бувининг касалхонага келган ҳолатини эслади. Уни диспансерга шу қизни суиб келган эди. Сочларига қиров қўнган онанинг юзи мунгли, қизининг далдалари юрагига сизмасди.

Онанинг чехрасига қўрқув аралаш ҳаяжон ёйилди, у титрарди.

— Қўрқманг онахон, кўзингизни очинг.

Она кўзини очди. Ним қоронғи хона бурчидаги столда қизил чироқ ёниб турарди.

— Қизим! Онанг ўргилсин, қизим, кўряпман! Қизил чироқ. Даволаган қўлларинг сира дард кўрмасин, олганг олтин бўлсин!

Онанинг кўзларидан ёш юмалади.

— Йингламанг, йиғи кўзни хира қилади. Асло йингламанг.

— Хўп, жон болам, йингламайман. Ҳозир хурсандимдан... — кампир на-

НУРИ ДИЙДА

— Анчадан буён хирами кўзингиз, онахон? — меҳрибонлик билан сўради Роза.

— Ҳа, қизим, авваллари унча-мунча кўрардим, бир ойдан бери ҳеч нарсани ажратолмайман. Шунча яшаб, кўр бўлишдан ортиқ бахтсизлик йўқлигини билмаган эканман. Худого қайси феълим хуш келмади, билмадим. — Бувининг қорачиғида ёш йилтиради. Дока рўмолининг учини кўзларига босди. — Ётти мучал яшаб шу ҳолга тушаманми, айланай!

— Онахон, хафа бўлманг, кўзингизни очамиз.

Онанинг сўник чехрасида умид нишонаси кўринди. Врачлар уни бир неча кун операцияга тайёрлашди. Асабийлашиб, қон босими ошиб кетмадимикан — текшириб кўришди. Қон босими нормадагидек. Шундан сўнггина онани операция столга олишди.

Операция яхши чиққанига докторнинг ишончи комил эди.

Ораниқиб қутилган ҳаяжонли дамлар яқинлашпти. «Кўзим очилармикан?» деган ўй беморга тинчлик бермайди. «Ҳозир кўзингизни очамиз, онахон» — деган таниш товущдан Сожида бувининг юраги баттар ура бошлади.

Унинг кўзларини аста-секин ечишди.

— Кўзингизни очинг.

Киприклар пирпираб бир-биридан хиёл ажралди, аммо тезда яна юмулди.


бираси тенги шифокор қизининг пешанасидан ўпди.

Шифокор учун шифо топган беморнинг миннатдорлигидан юксак мукофот борми?! Розохоннинг чарчоқлари ёйилиб кетди. Ахир, у яна бир инсонга қайта нур — зиё бахш этди! Бунақа шодийна дамларни у кўп кўрди, лекин ҳар кўрганда биринчи мартадагидай ҳис этади ўзини.

1956 йилда Роза Зайниддинова Тошкентдаги медицина институтининг даволаш факультетини тугатиб, туғилиб ўсган шаҳри Қўқонга келди. Бу ердаги кўз касалликлари диспансерига ишга кирди. Шундан бери касби-корни кўз очиб, одамларни ҳаётга қайтарди.

Розохонни 1964 йилда кўз касалликлари диспансерига бош врач қилиб тайинлашди. Бу ишнинг унга катта масъулият юкледи, янги ташвишлар орттирди, албатта. Авваллари у, фақат беморларни даволаш билан шугулланса, энди бутун бошлиқ коллектив учун қайғуриши керак. Бунинг устига, жамоатчилик ишлари... Розохон ўзидан катта, тажрибали ҳамкасбларидан сўрашга уялмайди, улар билан бамааслахат иш тутади. Маҳаллаларда, корхоналарда лекция-суҳбатлар ўтказди, шаҳар комсомол комитетининг аъзоси сифатида оммавий-сиёсий ишларда қатнашишга ҳам улғуради.

Г. ЖАЛИЛОВА.



Водилдаги бу чинор водийда энг некса дароҳт бўлса ажаб эмас. Унинг ёшини — 700 йил дейишади.

С. БЕЗНОСОВ фотоси.



НАЙЗА- ҚАЛАМ

Уттинчи йилларда прозамизда йирик воқеа бўлган «Сароб» романи, ўзбек адабиётининг олтин фондидан ўрин олган ажойиб ҳиноллари, сермулоҳаза адабий-танқидий мақолалари билан ўнучиллар қалбини мафтун этган Абдулла Қаҳҳор Улуғ Ватан уруши йилларида ўз қаламини фашизмга қарши найзага айлантирди. Унинг говий-сийсий ўткир фельетонлари душман бошида дахшатли бомбадек портлади. Адиб фашизм ёвузликларини аёвсиз фош этиб, салбий образлар галереясини яратди.

Езувчи «Барон фон Ринг» фельетонида таққослаш йўли билан фашист офицерининг сатирик образини чизади. Фельетон атторнинг эшаги ҳақидаги латифа билан бошланади. Автор эшак билан жинояткор офицер ўртасида мазмунан ўхшашлик топади. Чоғиштириш билан Бароннинг ҳайвондан ҳам тубан, олчоқ ва ваҳший эканини кўрсатади. «Барон тўғрисида гапирмоқчи бўлиб гапни эшақдан бошлаганининг важи бор,— деб ёзади фельетончи.— Бунга сабаб, унинг эшакка ўхшашлиги эмас. Наинки барон эшакка ўхшаса, Эшак деганининг кулоғи узун бўлади: бароннинг кулоғи мутлақо йўқ; Сан-Маринода бўлган бир карта ўйинида бор-йўғини бой бергандан кейин чўталчининг таклифи билан минг тилло бараварига кулоғини тинкан эди, бир испан бойваччаси юрти, шартта кесиб ташлаган...»

Шундай қилиб, ҳар бир деталь, штрих фельетоннинг умумлашма кучини оширишга бўйсундирилади. Езувчининг маҳорати шундани, у Барон образида минглаб баронларнинг ваҳшийлигини мухассамлантира олган, уларнинг асл турқини очиб ташлаган.

А. Қаҳҳор фельетонлариға тиниклик, куч-қувват бағишлаган нарса ҳаёт ҳақиқатининг таъсирили ифодаланмишидир. Бунга у фельетон учун материални сиқовилик билан саралаш, воқеаларнинг моҳиятини чуқур очиш, фантаз устида мулоҳаза юритиб муҳим умумлашмалар чиқариш орқали эришарди.

«Ишнал» фельетонида автор нулги тигини қаҳрамоннинг разил хатти-ҳаранатиға қарадади ва «орий жинсларнинг мараз ахлоқидан, фашист тузумининг ярамас, чиринлигидан ғазабли нулги уйғотади.

А. Қаҳҳор Улуғ Ватан уруши йилларида гоят чаққон ва ҳозирнавоб фельетончи сифатида ижод қилди. Унинг нечоғлик жанговарлигини куйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. «Правда» газетасининг 1942 йил 12

мартдаги «Совет хизматчиси» сарлавҳали бош мақоласида бундай дейилади: «... ҳар бир масалани ҳал қилган вақтда фронт маффаатларига асосланиш керак! Ҳар бир совет хизматчиси олдиға,— унинг катта ёни кичик ишда бўлишидан катъи назар,— ҳийилданган талаб шудир!».

Партия чақирғиға қамшиша шай турган А. Қаҳҳор ўша йилнинг 15 мартда ўзининг «Ҳи-ҳи» сарлавҳали фельетонини эълон қилди. Унда совет хизматчиси ниқобини ёпинган қонхўр, хоин фош этилади. Автор бу шахсга ном ҳам бермайди, зероки, гражданик хислатларини йўқотган хоин инсонли номига ҳам лойиқ эмас. Ленин унинг башарасини халққа кўрсатиб кўймоқ дарнор. Фельетончи бу вазифани аъло даражада ўтайди. Хоминнинг муҳдиш турқини ойнаға солганден тасвирлайди. У ниҳоятда хавфли чаён. Хушёрлар шарпасини сезса навакка кириб нараҳт бўлиб ётади, аммо бефаросат, лаъма одамини кўрса наваддан секин чиқади, захарини сочади — «алланимдан эшитган лгиллиларини» айтади, яна мниға кириб иетади. Бундай чаённи маманқлаш фашистининг бўғзига ханнақар санчиш билан баробар эди.

Душманни фош этиш билан бирға, халқимиз қаҳрамонлигини куйлаш Абдулла Қаҳҳор публицистик асарларининг асосини ташкил этади. Унинг совет ватанпарвар образини тасвирлашға бағишланган асарларидан бири «Дардандан чиққан қаҳрамон» очеркидир. Очерида муҳдиш ўтмиш манзарасининг тасвири катта ўрин олади. Замон талаби, очерин олдиға кўйилган асосий мақсад шунни таърозо қилар эди. Ҳаёт ҳақиқатиға изчил амал қилган очеркист лги социалистик тузумининг афзалликларини ўтмишининг анчили турмуш манзаралари билан қиёслаш орқали асарининг тарбиявий ролинини оширишға эришади, Ватанимиз озодлигига, «бахтиёр наслнинг бахтиға» чанг солган, эски тузумни қайтартишға уринган душманнинг ёвуз ниятини очиб ташлайди.

А. Қаҳҳор «Немисларнинг офати», «Бобоқул Афзалов», «Қизил конверт» каби очеркларида ҳам баҳодир ўзбек жангчиларининг Улуғ Ватан уруши жангларида кўрсатган мислсиз қаҳрамонлигини маҳд этиб, совет ватанпарварларининг ёрдин образларини яратди, улар характеридаги муҳим фазилатларини кўрсатди.

Н. ЕҚУБОВ.

Тоғ шабадаси қояларға урилади. Совуқ. Кўеиш ҳадемай Олой водийси ортида гоийб бўлади. Қочқиқ орқалаган уч сайёҳ қояларға тирмашиб, юқорига интилади.

— Домла, довонға чиқиб тунасақ, ажойиб бўларди-да. Помир тонгини кўрардик...

— Ҳа, қув йигит, кўнглимдагини билдинг-а! Дам олдирмай жадал олиб чиқаётганим: эрта-лаб уйғотиб сизларға тонг манзарасини кўрсатмоқчийдим.

Улар Помир тонгини кўришди. Кечаги чарчоқлар йўқолиб, баданға бардам куч-туйғу қўйилди.

...Кейин яна йўл, яна саргузашт... Улар фақат табнат ошиғино, бемақсад сайёҳлар эмас. Тоғ жинсларини ўрганиб, янги маъдан қидирган геологлар ҳам эмас.

1948 йилда уюштирилган бу илмий экспедициянинг раҳбари Аҳрор Музаффаров ўз олдиға ўлкамизда ҳали ўрганилмаган янги бир соҳани — республикамиз дарё ва ҳавзалари сув ўтларини теширишни мақсад қилиб қўйган. 1946 йилда Қаңқақадарёнинг юқори оқими, кейинги йили Норин дарёсидаги сув ўтларини ўрганди.

— Фақат дарс бериш билан олим бўлиш қийин. Фақат дарс тинглаш билан билим оламан деган студент ҳам студент эмас,— дейди Аҳрор Музаффаров. Бу ақидаға аввало ўзини бўйсундириди.

Альгология — Ўрта Осиёда унғача ҳеч ким қўл урмаган

кандидатлик диссертациясини ёқлайман деганда уруш бошланди кетди.

Урушдан кейин Аҳрор Музаффаров ўз ишға яна жанговар руҳ билан киришди. 1943 йилда Маргилон ва Фарғона сув ўтларини текшириш асосида тўплаган илмий ишларига якун

ДОВОНЛАР, ЙЎЛЛАР...

бу соҳаға Аҳрор Музаффаровнинг меҳри ёшлик чоғларида ноқ тушган эди. Шунинг учун у 1935 йилда Ленинградға борди, сув ўсимликлари биологияси бўйича мутахассис олимлардан таълим олди. Керакли маълумотларни тўплаб, энди

ясаб, биология фанлари кандидати бўлди.

Олим бу муваффақиятдан янги куч топди, янги кашфиётлар сари интилди. Ўзбекистоннинг ҳамма дарё ва ҳавзаларини, ундан сўнг бутун Ўрта Осиё сув ўтларини ўрганишға киришди.

Ишини қўламага қараб мақсад, вазифа ҳам кенгайиб, чуқурлашиб борди. Аҳрор Музаффаров бу давр ичиде 15 минг километр дашту қирни, тоғу тошини кезиб чиқди. Хизматига яраша — беш мингдан ортиқ сув ўтлари турини аниқлади. Шулардан баъзиларини Иттифоқда биринчи бўлиб Аҳрор ака кашф этди.

Энг муҳими — Аҳрор Музаффаров асрлар давомида инсонға на фойда, на зарар келтирган сув ўтларидан халқ хўжалигиде фойдаланиш усулларини топти. Олим раҳбарлигиде шиликорликде азот йиғувчи қўнъяшил сув ўтлари ўстириш юзасидан илмий иш олаб борилляти. Шунингдек, қўк-яшил ўтларнинг пахта ҳосилини оширишдаги аҳамияти устида ҳам тажрибалар ўтказилляти.

Оддий кимё-биология ўқитувчилигидан академиккача бўлган йўлни босиб ўтган олим олтиш ёшға тўлди. Биз ҳам фанимиз саркардаларидан бири — Аҳрор Музаффаровға энг яхши тилакларимизни изҳор этамиз.

Тўхтамурод БАҲРОМОВ.




ОЙНАСИ

1. Сунъий дарв.
2. Риштон лаганлари.
3. Об-ҳайт манбаи.
4. Наркидон.
5. Водий йўлларида.

2



3



5

В. ДМИТРИЕВ ва С. БЕЗНОСОВ фотолари.

4



ГАБРОВОНИ БИЛАСИЗМИ?

Болгар халқининг оғзаки ижодидаги анойиб юмор, ўтир латифалар туйфайли бу шаҳарнинг номи жаҳонга машҳур бўлиб кетган. Бу латифаларнинг доимий персонажлари — габроволиклар гўё жуда хасис бўлар эмишлар. Улар, масалан, мушун кирганда эшин узоқ очиб туриб уй совиб қолмасин деб, мушуннинг думини қирқиб қўйишар экан; еллинганда елпигични аяб, бошларини силкиб ўтиришар эмиш; магазиндан бир нима олганда бугунги газетга ўраб беришни талаб қилишар эмиш...

Габроволиклар бунга хафа бўлишмайди, чунки улар юморни яхши кўришади ва шўх фольклор учун Габрово бир баҳона эканини билишади. Аслида улар жуда саховатли, меҳнатнаш, меҳмондўст одамлар.

Кўйда Габрово латифаларидан ўқийсиз.

БИР-БИРИДАН ҚОЛИШМАС...

Бир кун габроволик боққол Миню бобоникига меҳмон келибди. Чой-пой ичиб, бўйрада ўтирганча гапга тушиб кетишибди. Бирпасдан кейин Миню бобо чироқни ўчириб:

— Лампамоини бекорга ёндирмайлик, бир-биримизнинг гапимизни қоронгида ҳам эшитамиз,— депти.

Яна анча гаплашгандан кейин, суҳбат ҳам тугабди. Миню бобо меҳмонни кузатиб қўйиш учун чироқни қайта ёмоқчи экан:

— Тўхта, ёқма,— депти меҳмон шошиб. — Ўтирганимизда бўйрага бекор ишқаламасин деб, қоронгида иштонимни ечиб қўйган эдим, кийиб олай..

МЕҲМОНХОНАДА

Габроволик меҳмонхонада тунаб қолмоқчи бўлиб:

— Бир кечалиги нечул?— деб сўрабди.

— Виринчи қаватда тунасангиз ўн лев, иккинчи қаватда — саккиз лев, учинчида — олти, тўртинчида — тўрт лев,— дейишибди унга.

Габроволик ўйлаб-ўйлаб, жўнаб қолибди.

— Ҳа, сизнингча, бу нархлар жуда балид эканми?

— Йўқ, меҳмонхонангиз паст экан,— депти габроволик кетаётиб.

ҚҶШНИЛАР

Габроволикнинг эшиги ёпилмай қолиб, тузатиш керак бўлибди. Кичик ўғлини чақириб, қўшнидан теша олиб чиқишни буюрибди. Бирпасдан кейин ўғли қуруқ қайтиб чиқибди — бизда теша йўқ, деганимиш ёлғончи қўшнисини.

— Э қурумсоқ!— депти ота қўшнисини сўқиб. Кейин ўғлига буюрибди:— бор, ичкаридан ўзимизникини олиб чиқақол.

ХАТЛАР ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ...

Габроволик икки ошна учрашиб қолибди.

— Меннинг кейинги хатимин олдингми?
— Қанақа хат? Ҳалиги юз лев қарз сўраб ёзганимми?

— Ҳа,
— Унақа хатни олганим йўқ.

ТЕЛЕГРАММА

Габроволик савдо ишлари билан бошқа шаҳарга борибди. Молларини сотиб бўлгандан кейин, хотинига телеграмма бермоқчи бўлибди.

«Газламани сотдим. Габровога жума кун кечқурун қайтаман. Сенинг Дмитринг», деб ёзибди, телеграмма узунроқ кўринибди кўзига.



Хотиним газлама олиб кетганимни билади-ку, деб биринчи сўзни ўчирибди. Қараса — ҳали ҳам узун. Сотгани олиб келганман, сотмай нима қилардим деб, иккинчи сўзни ҳам ўчирибди. Кейин ўйлаб қараса, габроволик Габровога қайтмай қадқча боради? «Габровога қайтаман»ни ҳам ўчирибди. Қайтишни ёзмагандан кейин «жума»нинг нима кераги бор? Кунини айтмагандан кейин «кечқурун»и нимаси? Уларни ҳам ўчирибди. Телеграмма анча қисқа ва арзон тушадиган бўлибдию лекин «Сенинг Дмитринг» деб телеграмма беришдан нима фойда, эрнинг ўзиники эканини хотин шундоқ ҳам билади. Габроволик шуларни ўйлабди-да, телеграммани йиртиб ташлабди.

САБР ҚИЛ

— Дада, менга ўн стотинка беринг, телескопдан Ойни кўрсатяпти, ўн стотинкага кўрсатаркан.

— Бир hafta сабр қил,— депти дадаси,— бир haftaдан кейин ой тўлишиб, ўша пулингга икки баробар кўпроқ кўрасан.

ГОНОРАП

Габроволик ресторандан чиқиб келаётган экан.

— Ҳа, мунча илжасан?— депти шериг учраб.

— Роса еб-ичиб, пул тўламай чиқиб келаями,— депти.

— Қандай қилиб?

— Офицант қизга битта латифа айтиб бердим, кула-кула, пул олишни ҳам эсида чиқариб қўйди.

Буни эшитган шериги дарров ресторандо бориб тўйғунча еб-ичиб олибди-да, латифа айтиб офицант қизни роса кўлдирибди. Яна айтибди, яна кўлдирибди. Охирида ўридан туриб:

— Қани, қайтимини беринг,— дермиш.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК

Габроволик қўшнисини картошка билан меҳмон қилибди.

— Қани, олинг, тортинманг, ўзимиз ўстирганми,— депти.

— А? Томорқангиз йўқ-ку?— деса,

— Хилхонада жойим бекор ётмасин деб картошка экан эдим, роса бўлиб берди, олинг, олинг, тортинманг,— дермиш.

ТИШ ОҒРИГИ

Габроволикнинг тиши оғриб қолибди. Врачга бориб, тиш олдириб нечул бўлади, деб сўрабди.

— Тишининг ўзи — беш лев, лекин электр қуввати учун ҳам бир лев берасиз, қоронги тушиб қолди,— депти врач.

— Бўлмаса кундузи келаман,— деб жағини ушлаганча чиқиб кетибди габроволик.

ЎҶЛИНИ ТОПИБДИ...

— Бу қаҳратон совуқда кимни кутиб турибсан?


— Э, иш чатоқ. Бир ишча ароқ олиб келаётурдим, кўлимдан тушиб, сийди. Энди кутиб турибман, кечга яқин сал яхласа қириштириб оларман деб.

АРҚОННИНГ БАҲОСИ

Габроволик бойлардан бири ўзининг ўзи осибди. Бунини кўриб қолган хизматчиси югуриб бориб арқонини қирқиб юборибди.

Ой охирида ҳисоб-китоб қиларкан, хўжайин хизматчисининг қақидан арқоннинг баҳосини ушлаб қолибди.

РЕДАКЦИЯДАН. Бизда ҳам баъзи шаҳар ё қишлоқларнинг номлари билан боғлиқ бўлган латифалар, қизинг гаплар кўп. Лекин уларни тўплашга яхши эътибор берилмапти. Масалан, Қўқон, Наманган «лофчилари» қақидаги латифалар тўлаб чиқарилса эди. Уларда халқнинг анойиб юмор туйғуси барқ уриб туради. Эни, масалан, габроволикларнинг «соддалиги» қақида кўп латифалар юради. Албатта лофчиллик ёни соддаликнинг бу шаҳар ва қишлоқларда яшовчи одамларга алоқаси йўқ, бу фольклорнинг шунчани шартли приёми. Халқ оғзаки ижодидаги бу қизинг соҳани батафсилроқ ўрганиш ёмон бўлмас эди. Агар журналхонларимиз орасида шундай юмористик цикллари билдирилганлар ёни тўплашга ҳафсала қилганлар бўлса, танлаб журналистикга юборсалар, энг яхшиларини кўпчиликка тақдим атардик.



АКЦИЯ





«ҚОВУН ПИШДИ»

Бу воқеа аввалги йили Тинч океанда рўй берди. Тунда, тўлқин махалида «Либерия» кемасидан бир матрос очик денгизга қулаб четди. Уни қидириб тополмадилар.

...Бир кундан кейин: «Биз Никарагуа соҳилларидан 113 миля нарида сузиб бораётган эдик, — деди шведларнинг «Цитадель» немаси капитани, — сувдан аллаккиминг калласи кўринди. Бир неча минутдан кейин унинг елкаси, сўнг эса гавдаси баралла кўринди. Қарасан, матрос натта тошбақага тирмашиб олибди».

Ғарбий Сибирда «иш қаватли» ер ости денгизи борлиги аниқланди. Ҳар икки қатламини 700 метрли тоғ жинслари бир-бирдан ажратиб тураркан. Пастки қаватда сув ҳарорати + 110°га тенг.

Японияда жаҳондаги энг кичик тинку машинаси ихро қилинди: узунлиги — сигаретага тенг, оғирлиги — қирқ грамм, Аммо у чокни натта машиналардек тилади.

Мадагаскар оролида Ер куорасидаги энг катта қушнинг суяк қоңдиқлари топилди. У гарчи қуш саналса-да, учолмаган. Чунки ҳаддан ташқари оғир бўлиб, таҳминан, прим тоннача келган. Бўйи — уч метрга етган. Ҳозирги энг катта қуш — страус ҳам учолмайди. Унинг оғирлиги 120 килограммга етди, тухумининг ўзи олти килограмм келди.

Манзура, Ёқуб, Жамила қумлоққа чиқишди.
— Келинлар, қовун-қовун ўйнаймиз, — деди Ёқуб энгларини шимара туриб.

— Бўпти, — дейишди Манзура билан Жамила қўйлақларини липпалаб.

Ёқуб марза кўтарди. Манзура жўяк олди. Жамила маккадек-маккадек тошларни уруғ қилиб тикди. Кейин: «кўкарди-кўкарди» дейишди, жўяк устига чўилар суқишди. Пақирчада сув қўйишди.

— Мана, битта қовун сопти! — деди Жамила жўяк бетига муштдай тошни қўйиб.

— Тагин битта сопти! — Манзура ҳам тош қўйди.

— Яна битта...

Шундай қилиб улар жўякка ҳар хил тошларни териб чиқишди.

— Энди қовунимиз пишиди-да, — деди Ёқуб.

— Бўлмаса, узиб чиқиб тўйиб бер. Сен катта кишисан-да. Биз — бола. Болалар қовунларни узишмайди-ку?! — деди Жамила.

— Рост. Биз пишганини билмаймиз, — деди Манзура.

Ёқуб катта одам бўлиб қовунпояга кирди. Жўякларни оралаб, иккита қовун узиб чиқди-да, шаналогини пицоқ қилиб тилди. Учовлари «асал экан, қанд экан» дейишди, роса «ейишди».

— Қиларини, яна сўйиб берайми? — суради Ёқуб.

— Раҳмат, амаки, тўйдим, — деди Жамила.

— Раҳмат, амаки, мен ҳам тўйдим, — деди Манзура. Кейин ариқчада қўлларини ювиб олишди.

Олтмиш ҒСАРОВ.



— Цех плани бажармаётганининг сабаби нимада экан-а?!

Э. РУЗИБОВ расми.

МУҚОВАЛАРДА: БИРИНЧИ БЕТДА — Фаргона азот ўғитлари заводи. Шохимардон, Фаргона оқшоми. Қирғули.

ТҮРТИНЧИ БЕТДА — Лолалар, «Фаргона» совхозида.

С. БЕЗНОСОВ ва В. ДМИТРИЕВ фотолари.

Бош муҳаррир: Асқад МУХТОР.

Таҳрир ҳайъати: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир уринбосари), Уитам ОРПОВ, Ваҳоб РУЗИМАТОВ (масъул секретари), Эмиль РУЗИБОВ (бош расом), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Юбил ЯШИН, Муҳаммаддон УРОЗБОВЕВ.

«Гулистон» — обществено-политический и литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор М. МУМИНОВА.

Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В-33520. Бош муҳаррир уринбосари — В-33590. Масъул котиб — В-33659. Инжимоий сийёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадний бўлим В-33519. Фаъ ва маданият бўлими — В-33519. Қабулхона В-33520.

Теришга ижозат берилди 31/III-70 й. Босишга рухсат этилди 13/IV-70 й. Қоғози 70 × 108/8. Ҳажми 4 босма тобоқ. Буюртма 1858. Нусхаси 177716. Баҳоси 30 т. Р 07628. Нашр. Г-3610.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашрийтининг босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.



ЭКСПО·70



